БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 13 (19.684). • 1987 йил 16 январь, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети «Горький ва Мурманск областлари шаҳарларининг аҳолисини иссиқлик билан таъминлашдаги узилиш фактлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Қабул этилган қарорда таъкидланадики, КПСС Горький ва Мурманск область комитетлари, область ижроия комитетлари шаҳарларнинг энергетика хўжаликларини, коммунал муассасаларини қишга тайёрлашга масъулиятсизлик билан ёндашдилар. КПСС Марказий Комитетининг аҳоли турмушини, қиш фаслида халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан чиқарган қарорларига биноан белгиланган кўпгина муҳим тадбирлар барбод этилди. Оқибатда, қаттиқ совуқ бошланган пайтда бир қанча жойларда электр таъминоти системаси ва иссиқлик тармоқлари ишдан чиқиб, одамларнинг турмуши жиддий мураккаблашди. СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, РСФСР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, бошқа марказий органлар етарли контроллик

(Давоми иккинчи бетда).

XXI АСРГА ЙЎЛ

Совет Иттифоқининг ядросиз дунё программаси

Бир йил муқаддам — 1986 йил 15 январь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти эълон қилинган эди. Унинг аҳамиятини сўз билан ифодалаш қийин. Чунки унда шу аср охиригача ядросиз дунёни барпо этиш ҳамда оммавий қирғин қуролининг ҳамма турларини, шу жумладан химиявий қуролни тугатиш программаси баён этилганди.

Тарихий аҳамиятга молик бўлган шу дадил ташаббус ядровий фалокат хавфини тугатиш учун, инсониятнинг омон қолиши учун курашда янги боб очди. Ҳукуматларнинг муҳокамасига, халқларнинг эътиборига илгари ҳеч қачон миқёслари жиҳатидан улуғвор ва мақсадлари жиҳатидан олижаноб бўлган шу қадар аниқ-равшан программа ҳавола қилинмаган эди. Шу билан бирга унинг янгилиги дунёни бамисоли синиқ ойнада кўрадиган, халқаро муносабатларда зўравонлик принципини тарғиб қиладиган эскирган фалсафага мутлақо зид бўлиб тушди.

Империализм, аввало Америка империализми ўз умрини яшаб бўлган снёсатга ўжарлик билан ёпишиб олмоқда. Эски снёсий тафаккурнинг қашшоқлиги энг ўткир халқаро проблемаларнинг бутун доираси бўйлаб ўзини кўрсатмоқда. Қуролланиш пойгаси ва уни космоса ёйиш муддаоси, оммавий қирғин қуролининг тобора янги турлари яратилаётганлиги, ядро синовлари, оддий қуроллар қўпайтирилаётганлиги, маҳаллий можаролар қучайтирилаётганлиги шулар жумласига киради. Хўш, миллионларнинг талабларини эшитмай, ёлғон гапириб ва гўё мана шуларнинг ҳаммаси тинчлик йўлида қилинаяпти, деб кечаги кун билан яна қачонгача яшаш мумкин! — деган савол туғилади.

Совет Баёнотида таклиф этилган программа тинчликни сақлаб қолишга, цивилизацияни ҳимоя қилишга даъват этувчи бонг бўлиб янграмоқда. Бу программа янги снёсий тафаккурни ўзида мужассамлаштирган, ҳозирги дунё зиддиятли бўлса ҳам, аммо ўзаро боғлиқ, кўп жиҳатдан яхлит, деган фикрга асосланган. Ядро космик даврнда давлатлар ва халқлар бутун планета миқёсида амалий тарзда, бунёдкорлик билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилишлари зарурлиги мана шундан келиб чиқади. Ядровий фалокатнинг олдини олиш керак, цивилизациянинг омон қолишига имконият яратиш лозим, кескинлашиб бораётган умумбашарий муаммоларни ҳамма ва ҳар бир халқнинг манфаатлари йўлида биргаликда ҳал этиш даркор.

КПСС XXVII съезди халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси асосларини ишлаб чиқиб, қабул этди. Аслида гап хавф-хатарсиз дунёни шакллантириш фалсафасини мамлакатимизнинг халқаро майдондаги аниқ-равшан ва зўр ғайратли ҳаракатлари плани билан бирга кўпиш ҳақида бормоқда. Программани ҳар қандай фантехника вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган буюк ва қудратли давлат эълон қилганлиги Баёнотда таклиф этилган шу программага алоҳида салмоқ бахш этади. Совет Иттифоқининг моддий ва интеллектуал қудрати, башарти бизни мажбур этсалар, ҳар қандай қуролни яратиш имкониятини таъминлай олади. Бизнинг мамлакатимиз бошқа мамлакатлар учун бўлғанидан кўра кўпроқ хавфсизликни даъво қилмайди, камроғига рози бўлмайди. Бизнинг олий мақсадимиз — қуролярғонсиз ва зўравонликсиз дунёдир. Бунга биз коммунистик идеология, унинг маънавий қадриятлари инсонпарварлигининг ифодаси, деб биламиз.

Дунёдаги аҳвол мураккаб ва кескин бўлиб турибди. Шунга қарамай, ўтган йил мобайнида янги снёсий тафаккур халқаро муносабатларда моддийлаштириш ишида катта қадам бўлди. Унда умумбашарий қадриятларнинг устун аҳамиятига ҳамда ядро қуролидан, зўравонлик ва нафратдан, шубҳа-гумон ва даҳшатдан халос бўлган дунёни барпо этиш учун куч-ғайратларни бирлаштириш зарурлигига асосланган принциплар — ядро қуролидан ва зўравонликдан ҳоли дунёнинг принциплари қайд этилган.

Ядровий қуролланиш пойгасини тезроқ тўхатиш ва космосга қурол чиқарилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилаётган «тўрт қитъанинг олти давлати» мурожаатномаси янги снёсий тафаккур халқлар онгига сингиб бораётганидан, у халқаро муносабатлар практикасига кираётганидан далолат бериб турибди. Қўшилмаслик ҳаракатининг «Хараре хитобномаси»да ҳам шу ҳақда гапирилади, унда қуролланиш пойгасини тўхатиш ва ядро қуролини тугатиш, қуролсизланиш ва тараққиёт муаммоларини бир-бирига маҳкам боғлаш тўғрисидаги даъват баралла ва қатъий янгради. Халқаро хавфсизлик кенг қамровли системасининг социалистик мамлакатлар группаси таклиф этган концепциясини БМТ Бош Ассамблеяси маъқуллаганини ҳам худди шундай баҳоламоқ керак.

1986 йил 15 январь Баёноти КПСС давлатимиз тинчликсевар ташқи снёсатининг янги аниқ-равшан ифодаси бўлди. Ундаги таклифларни совет халқи астойдил маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Бу таклифларни у ташқи снёсий йўлимизнинг ички қайта қуриш, жамиятимиз турмуши бутун жараёнини жадаллаштириш режалари билан узвий равишда бирга қўшилиши деб билмоқда ва ўз меҳнати билан бутун дунёда тинчлик ишининг таянчи бўлган социалистик Ватанимизнинг қучи ва қудратини оширишга қатъий азму қарор қилган. Айни вақтда халқимиз Баёнотда таклиф этилган қуролсизланиш планини ўз интернационал бурчининг олий ифодаси деб, ҳозирги авлоднинг ҳаёти ҳақидагина эмас, шу билан бирга Ер юзидаги бўлғуси аҳоли тўғрисидаги ғамхўрликнинг олий ифодаси деб билади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Баёноти БМТ эълон қилган Халқаро тинчлик йили бошланган пайтда таърифлаб берилган эди. Совет Иттифоқи шу йилга қадам қўйган пайтда унинг ядро полигонларида беш ойдан буён сокинлик ҳукм сураётган эди. Бошқалар ажал қуролини такомиллаштиришни давом эттираётганлигига қарамай, биз ядро портлатишлари мораторийсини узайтиравердик. Мамлакатимиз шу йилнинг 1 январидан кейин ҳам — Американинг биринчи ядро портлатишигача мораторийни узайтирганлиги ядровий қуролланиш пойгаси йўлига самарали тўсиқ қўйиш учун яна бир имконият беради.

Янги, 1987 йил эстафетани Халқаро тинчлик йилидан қабул қилиб олди. М. С. Горбачевнинг Баёнотида ўртага ташланган ташқи снёсий ташаббуслар комплекси рўёбга чиқиши учун, инсоннят 2000 йилни тинч осмон остида, ўз келажагига комил ишонч билан кутиб оладиган бўлиши учун Совет Иттифоқи бундан буён ҳам сабот билан изчил курашаверади.

(«Правда» газетасининг 15 январдаги бош мақоласи).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси 14 январь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида 1986 йилда республика экономикасини жадаллаштириш якунлари ва беш йиллик иккинчи йилининг дастлабки кунлариданоқ планларни таъминлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Ўтган йили республиканинг миллий даромади 3,4 процент, саноатда меҳнат унумдорлиги 3,5 процент ортганлиги қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 5,8 процент кўпайди, бу план топшириқларидан юқоридир. Қишлоқ хўжалигида гўшт, сут, тухум, картошка, сабзавот хариди бирмунча кўпайди. Капитал қурилишда ишга туширилган объектларга маблағларни жамлаш тадбирлари амалга оширилди. Илгари ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ социал программа амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга қайта қуриш жараёни суст, халқ хўжалигини интенсивлаш йўлига ўтказиш қониқарсиз суръатларда бораётганлиги таъкидланди. Ҳосил қилинган миллий даромад бўйича планда кўзда тутилган ўсиш суръатларига эришилмади. Корхоналар ва бирлашмаларнинг учдан бири шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш планини, олий сифат категориясидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириғини уддалай олмади. Ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг истеъмол хусусиятлари ва тури замон талабларини қондирмаяпти.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида давлатга пахта, дон, полиз маҳсулотлари, мева ва резавор мева топшириш планлари барбод этилди.

Асосий фондларни пландаги ҳажмда ишга тушириш таъминланмади, капитал маблағлар лимитидан тўлиқ фойдаланилмади. Уй-жойлар, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, суғориладиган ерларни ишга тушириш планлари бажарилмай қолди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани бажарилмади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида уюшқоқсизлик ва интизомсизлик, уқувсизлик, ва хўжасизлик каби эски иллатлар яна намоён бўлди. Кўпгина корхоналар йилни сусткашлик билан бошлаб, биринчи ўн кунликдаёқ қолоқликка йўл қўйдилар. «Ўзбекистонтўлмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Андижанэлектродвигатель» заводи, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қанча корхоналар коллективларининг давлат қабули шароитларида ишлашга тайёр эмаслиги бу ерда ўн кунлик топшириқлари тамомила барбод бўлишига олиб келди.

Қорақалпоғистон АССРда, Жиззах ва Қашқадарё областларида қишлоқ хўжалик техникаси ремонти суст бормоқда, тракторларнинг атиги 70 проценти тайёрланган. Андижон, Наманган ва Фарғона областларида мелиорация ишларини ўтказиш муддатлари бой берилмоқда.

Марказий Комитет Бюроси қабул қилган қарорида область партия комитетларига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига ўтган йилги ва 1987 йил январь ойининг биринчи ўн кунлигидаги иш якунларидан зарур хулосалар чиқариш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш юзасидан самарали чораларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини топширди. Партия комитетларига, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотларига Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик авж олиб кетган пайтда 1987 йилги план ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши учун меҳнат коллективларида снёсий ва ташкилотчилик ишларини кучайтириш таклиф қилинди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитети ҳисоботи юзасидан кўрсатмалари асосида Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни эълон қилинади.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг ўн иккинчи беш йиллик учун ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятларини маъқуллади. Мажбуриятлар тексти матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида 1987—1990 йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш тадбирлари муҳокама қилинди. Уни қуришни жадаллаштириш мақсадида «Ташметрострой» трести билан Тошкент метрополитенига 1987—1990 йилларда Ўзбекистон линиясини, шу жумладан:

«Тошкент» станциясидан «Чкалов» станциясигача борадиган йўлни 1987 йилда;

«Навоий» станциясидан «Чорсу» станциясигача борадиган йўлни 1989 йилда;

«Чорсу» станциясидан «Беруний» станциясигача борадиган йўлни 1990 йилда қуриб битказиш ва 1988 йилнинг иккинчи кварталида метрополитен Юнусобод линиясининг «Ойбек» станциясидан Юнусобод массивига борадиган трассасида тайёргарлик ишларини бошлаб юбориш вазифалари топширилди.

Янги участкаларни ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш, Ташметрополитен ремонт-эксплуатация базасини барпо этиш, «Ташметрострой» трести қурилиш индустриясининг базасини ривожлантириш, станцияларни бадиий-монументал безашни яхшилаш учун республика бюджетидан пудрат ишлари ва тегишли моддий ресурслар лимитларига кўра зарур маблағлар ажратиш кўзда тутилди.

Республика министрликларига ва идораларига Тошкент метросининг шу станцияларини ўз вақтида фойдаланишга топириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш юзасидан конкрет топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республика ҳаётининг бошқа баъзи масалалари муҳокама этилиб, қарорлар қабул қилинди.

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ЗОМИН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ВА УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Зомин районининг меҳнаткашлари партия XXVII съезди қарорларини амалга ошира бориб, пахта, жун, сабзавот, картошка, тухум, қорақўл тери, пилла тайёрлаш юзасидан 1986 йил планларини бажардилар. Давлатга 3938 тонна гўшт, 2383 тонна сут топширилди, бу эса план топшириқларидан ва 1985 йилги даражадан юқоридир.

Саноат корхоналарининг коллективлари пландан ташқари 1,41 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Район меҳнаткашлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан партия ишлаб чиққан йўлни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, XII беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

XII беш йилликда 94,1 минг тонна — планда белгиланганидан 1,7 минг тонна кўп пахта етиштирилиб, давлатга сотилади ва 1990 йилда давлатга топириладиган пахта миқдори 21,2 минг тоннага етказилади ёки 1985 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўп бўлади.

1987 йилда пахта тайёрлаш плани Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача бажарилади.

Чорвачиликни интенсивлаш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига 1990 йилда 1985 йилдагига нисбатан гўшт тайёрлаш 1,6 баравар кўпайтирилиб, 4910 тонна гўшт топширилади, сут тайёрлаш 1,4 баравар кўпайтирилиб, 3200 тонна сут топширилади.

Беш йиллик мобайнида йилига ҳар бош чорва мол учун камида 16 центнер озуқа бирлиги тайёрланади. Беш йиллик охирига бориб, ҳар бош соғин сигирдан 2400 килограммдан сут соғиб олинади. Гўштга топириладиган қорамолнинг ўртача вазни 380 килограммга етказилади ёки 1986 йилги даражадан 74 килограмм кўп бўлади. Тухум етиштириш 1,5 баравар кўпайтирилади.

Ўн иккинчи беш йиллик планидан ташқари 5,8 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари бир миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. Маҳсулот таннархи 0,6 процент камайтирилади. Корхоналарга 2 ва 3 сменали иш режимига ўтказиш давом эттирилади. Маҳсулотни давлат қабулига ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 2,2 процент оширишга ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,7 процент камайтиришга эришилади. Болали ота-оналар учун 576 ўринли санаторий фойдаланишга топширилади, Жиззах иккинчи ва учинчи насос станциялари, Зомин сув омбори ва бошқа объектлар ишга туширилади. 1987 йил 1 августгача 2744 ўринли умумий таълим мактаблари фойдаланишга топширилади. XII беш йилликда қишлоқ жойларда 38 минг квадрат метр уй-жой, 830 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари ва бошқа социал-маданий-маиший объектлар ишга туширилади.

Пландан ташқари 350 минг тонна юк ва 670 минг нафар пассажир ташилади. Ҳаракатдаги составдан фойдаланишнинг планда белгиланган коэффициентига нисбатан бу кўрсаткич 10 процент кўпайтирилади.

Беш йиллик охирига бориб маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 1,5 баравар кўпайтирилади. Қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилади.

Районнинг ҳар бир аҳолиси йил сайин уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишида камида тўрт кун ишлаб беради. Район марказида маданий-спорт комплекси қуриб битказилади.

Совхозлар посёлкаларини ва қўрғонларини янада ободонлаштириш ҳамда уй-жой фондини сақлаш учун амалга оширилаётган ишлар кучайтирилади ва социалистик мусобақа ташкил қилинади.

Зомин районининг меҳнаткашлари беш йиллик учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Социалистик мажбуриятлар Зомин райони меҳнаткашлари коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

• Транспорт конвейерига—аниқ маром!

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидагилар бизни хушнуд кутиб олишди. Телефонлар тинмай жиринглар, телетайп аппарати орқали олинган маълумотлар қўлдан-қўлга ўтар, бошқарма ходимлари югуриб-елишар эди. Уларнинг ҳаракатларида саристалик, чеҳраларида ишдан қаноатланиш туйғулари сезилади.

— Кейинги ҳафтада, — дейди бошқарманинг бўлим бошлиғи С. Я. Чернов, — республика территориясидаги станцияларда, кириш йўлларига муддатидан ортиқ туриб қолган вагонлар сони анча камайди. Олдинги ҳафталарда ҳар куни 300—350, ҳатто 400 тагача вагондаги юклар вақтида туширилмай қоларди. Мана, 13 январь кунги маълумот: бу рақам 153 тага тушди.

Аммо қувонишга ҳали эрта. Темир йўл бошқармасига келаётган маълумотларда ҳали кўпгина станцияларда ьағонлар ҳаракатсиз туриб қолаётгани қайд қилинган.

— **Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети** корхоналари кеча 24 вагонни вақтида бўшатиб беришмаган. Жумладан, Самарқанд областидаги Жомбой станциясида бир вагон цемент уч кеча-ю уч кундуздан бери туширилиб олинмаяпти.

— Нега шундай бўляпти?

Биз шу савол билан «Госагропром»нинг темир йўлда юк ташиш сектори бошлиғи М. М. Абдуллаевга мурожаат қилдик.

— Область агросаноат комитетлари, РАПО раҳбарлари транспорт хизматидан фойдаланишни такомиллаштириш йўлида анча-мунча ишларни амалга оширдилар. Бироқ ҳамон турли баҳоналарни рўкач қилиб, ишни тартибга сола олмаётган ходимлардан доғдамиз. Самарқанд область агросаноат комитетида темир йўл вагонларидан оқилона фойдаланиш учун амалий иш олиб борилмаяпти. Яқинда худди шу масала билан шуғулланувчи «Облагропром» раисининг ўринбосари А. Мирзаевга юк туширишни ташкил этишда йўл қўйган нуқсонлари учун виговор берилди.

— Мансур Маннопович, Тўйтепа ва Келес станцияларида ҳам вагонлардаги цемент вақтида туширилиб олинмаяпти. Бунга нима дейсиз?

— Бунинг учун албатта, Тошкент областидаги юк олувчиларимиз биринчи навбатда айбдор. Область агросаноат комитети транспорт бўлими бошлиғи Михаил Наумович Ким шу участкадаги аҳволга шахсан жавоб бериши лозим...

«Иржар» станциясида бир вагон ун икки кундан бери бўшатиб олинмаган.

Бунинг сабабларини аниқлаш, айбдорларга тегишли чора кўриш Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги эътиборига ҳавола қилинади.

— **Қурилиш министрлигига қарашли корхоналар** уч вагон юкни икки кундан ортиқ тутиб туришибди. Самарқанддаги «Суперфосфат» станциясида бинокорлик материаллари комбинатига тегишли 14 вагон майда тош ҳам вақтида туширилиб олинмади.

— **Нукус станциясида** 166-трестнинг қурилишларни ишлаб чиқариш-техника материаллари билан бутлаш бошқармаси (бошлиғи Б. Демидов) ўзига тегишли 3 вагон юкни муддатида олиб кетмади.

Шу икки факт юзасидан изоҳ олиш учун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги темир йўлда юк ташиш бўлимининг бошлиғи С. В. Подковиров билан телефон орқали боғландик. Сергей Владимирович Самарқандга юборилган юклар ҳақида эгалари вақтида хабардор қилинганини тан олди ва бир пайтнинг ўзида 80 вагон юк келиб қолгани сабабли уни туширишнинг чўзилиб кетганини айтди. Лекин юк туширишнинг фронти торлиги, биттагина линия ишлагани, қўл кучидан фойдаланиш ҳамон юқори эканлиги, бу камчиликларни бартараф этиш, уюшқоқликни таъминлаш юзасидан министрлик қандай чора кўраётганлигини лўнда тушунтириб беролмади.

Бошқармага келаётган маълумотлар билан танишишда давом этамиз:

— **Жиззах станциясида** 16 вагон майдаланган шағал туширилгани йўқ.

— **Бухорода 6 вагон...**

— **«Тинчлик» станциясида** «Навоинрстрой» трестига тегишли 4 вагон қувур уч кундан бери туширилиб олиб кетилмаяпти.

Ҳа, 13 январь куни юки билан ортиқча туриб қолган вагонларнинг энг кўпи — 28 тасидаги юк Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли эди. Министрликнинг шу масалага дахлдор етакчи инженери В. И. Седун билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Лекин Владимир Игнатьевич суҳбатдан бош тортди. Бошқарма бошлиғи фикридан айрича гап айтиб юборишдан чўчишини тан олди. Сал ўтмай министрлик транспорт бошқармасининг бошлиғи П. Н. Бойбоевнинг ўзи редакцияга қўнғироқ қилди.

— Бекободдан Жиззахга юборилган 16 вагон майда тошни темир-бетон буюмлари заводи олиши керак эди. Лекин станцияда у тозаланмай юборилгани маълум бўлиб қолди. Уни уй девори ясашга ишлатиб бўлмайди. Шу сабабли фавқулодда масалани ҳал этгунча, яъни майда тошни «Джизакводстрой» трестига олиб боргунча анча вақт ўтди. Ҳозир Жиззах да ҳам, Бухорода ҳам юклар тўла туширилиб олинди, хотиржам бўлинг.

— Пўлат Назарович, ушбу масалада кейинги икки йилда министрлик тармоқларида рўй берган аҳволни қандай изоҳлаш мумкин?

— 1985 йилда юкларни бўшатиб олиш нормадаги 3,1 вагон-соат ўрнига 4,9 вагон-соатни ташкил қилган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 4,8 вагон-соатни ташкил қилди. Ҳар қалай силжиш бор-ку! Ўтган йили бир қанча станцияларда янги излар қурдик. Кўпларини капитал ремонт қилдик...

Аммо министрлик жузъий ютуқлар билан хотиржам қолмаслиги керак. Чунки, станцияларда туриб қолган вагонлардаги юк сув хўжалиги иншоотлари ва суғориш тармоқлари барпо этиш учун ниҳоятда зарур материаллардан иборат.

Пировардида Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ходимлари юкни узоқ вақт туширмай «рекорд» қўйган корхона ҳақида маълумотни кўрсатишди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Автодормехбаза» трести (бошқарувчиси О. У. Умаров) ўз номига келган бир вагон бўрни Шумилов станциясида 4 январдан буён туширилиб олмаяпти. Станция вагоннинг бекор туриб қолгани учун трест тўлаши лозим бўлган жарима 1177 сўмга, сақлаётганлиги учун тўлов эса 112 сўмга етганлигини маълум қилди.

Қани жаримани трест раҳбарлари кимнинг чўнтагидан тўлашар экан? Бу масала транспорт прокуратураси эътиборига ҳавола қилинди.

А. АБДУБАННОПОВ.

КПСС Марказий Комитетида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қилмадилар ва ремонт-профилактика ишларини ўтказишда ўзларига қарашли ташкилотларга зарур ёрдамни бермадилар.

Горький шаҳрида шу йил 7 январь куни иссиқлик магистралларидан бирида авария содир бўлди. Бунинг оқибатида аҳоли яшайдиган катта район ташқи ҳарорат пасайган шароитда иссиқсиз қолди. Горький область партия комитети билан область ижроия комитети иссиқлик магистралининг пухта эмаслигини билатуриб, уни ўз вақтида алмаштиришни таъминламадилар, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, РСФСР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, Горький область партия комитетининг шаҳарлар иссиқлик таъминоти пухталигини ошириш масалалари хусусидаги илтимосларига юзаки муносабатда бўлдилар. РСФСР Министрлар Совети ҳам шаҳарда вужудга келган мушкул вазиятни тузатиш чорасини кўришда йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда сусткашлик қилди.

Мурманск областининг Североморск шаҳрида мансабдор шахсларнинг коммунал хўжалигини қишга тайёрлашдаги бепарволиги ва бегамлиги оқибатида ТЭЦ ишдан чиқди, бу эса кўпгина уй-жой бинолари ва социал объектларнинг иссиқлик тармоғидан ажралиб қолишига олиб келди. Мурманск область партия комитети билан область ижроия комитети шу масалалар юзасидан дуруст контролликни таъминламадилар.

Қайта қуриш шароитидаги бундай фактлар партиянинг совет кишилари манфаатлари йўлида қилаётган ишларини обрўсизлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг қарорларини амалга оширишда интизомсизликка йўл қўйганликлари ва уй-жой-коммунал хўжалигини қиш шароитларида ишлашга тайёрлашга масъулиятсизлик билан қараганликлари учун Марказий Комитет Горький область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ю. Н. Христородновга, Шимолий флот қўмондони ўртоқ И. М. Капитанецга қаттиқ танбеҳ берди. Горький область ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. А. Соколовга, Горький шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ю. А. Марченковга, РСФСР уй-жой-коммунал хўжалиги министри ўртоқ В. И. Поповга ҳамда СССР энергетика ва электрлаштириш министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. Н. Макухинга қаттиқ партиявий жазо берилди. Мазкур раҳбарлар авариялларнинг оқибатларини жуда қисқа муддатда тўла-тўкис тугатиш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

КПСС Марказий Комитети министрликларнинг партия комитетларидан КПСС Марказий Комитетининг халқ хўжалигини қишга тайёрлаш масалаларига оид қарорларини бажаришда бегамлик қилган ва авариялларни тугатишда маҳаллий органларга ёрдам беришда сусткашлик ка йўл қўйган аппаратнинг раҳбар ходимларининг ишига баҳо беришни талаб қилди.

СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, РСФСР Министрлар Советининг раҳбарларига Горький ва Мурманск областлари халқ хўжалиги фаолияти учун янада пухта шарт-шароитлар яратиш юзасидан шу областлар партия комитетлари қўйган масалаларни бир ой муддатда кўриб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети мансабдор шахсларнинг интизомсизлиги ва бепарволиги, ремонт-профилактика ишлари ўз вақтида ўтказилмаганлиги, коммунал хўжалигига моддий ресурслар етарли ажратиб берилмаганлиги оқибатида Москва, Ленинград, Киев, Витебск, Волгоградда, Латвия ССР ва Карелия АССРда иссиқлик таъминотида узилишларга йўл қўйилганлигига эътиборни қаратди. Жойлардаги партия комитетлари бу ҳодисаларга жуда ўткир ва принципиал баҳо беришлари керак.

Марказий Комитет СССР Госпланига, СССР Госснабига, РСФСР Министрлар Советига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка, область комитетларига, министрликлар ва идораларга рўй берган воқеалардан жиддий хулосалар чиқариб олишни, иссиқлик тармоқларини ва сийқаланган асбоб-ускуналарни ремонт қилиш ва алмаштириш, иссиқлик таъминоти системаларининг пишиқ-пухталигини ошириш, шаҳар хўжалиги ишида бирон бир узилишларга йўл қўймаслик юзасидан зудлик билан чоралар кўришни таклиф қилди. Уй-жой-коммунал муассасаларда уюшқоқлик ва тартибни таъминлаш, энергетика, транспорт меҳнат коллективларида тарбиявий ишни кучайтириш, шу соҳа ходимларининг эҳтиёжларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш зарурлиги таъкидланди.

Министрлар Н. Конарев, Н. В. Лемаев, А. И. Майорец, В. С. Черномирдин, М. И. Шадов ўртоқлар ҳар бир электр станцияни, буғ қозонхонасини, мамлакатнинг барча шаҳарлари ва аҳоли пунктларини ёқилғи билан узлуксиз таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар.

• Партия турмуши: кадрлар ва қайта қуриш

ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИКНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

КПСС XXVII съезди кадрлар билан ишлашни партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйди. Чунки кадрлар омманинг ташкилотчи кучи ҳисобланади. Бироқ жойларда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу ҳақда «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Қашқадарё область партия комитети билан ҳамкорликда ўтказган «Давра суҳбати»да алоҳида таъкидланди.

«Давра суҳбати»ни область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири ўринбосари О. ПАРМОНОВ бошлаб берди.

— Кадрлар билан ишлашда йўл қўйилган жиддий нуқсонлар кейинги йилларда изчиллик билан бартараф этилмоқда. Жойларда ғоявий эътиқодли, ташаббускор, чуқур билимли коммунистлар раҳбарлик лавозимига кўтарилмоқда. Асосий эътибор кадрлар резервини вужудга келтиришга қаратилмоқда. Янгиликни ҳис этмайдиган, масъулиятсиз, бир амаллаб мансаб курсисини эгаллаган нолойиқ раҳбарлардан воз кечилмоқда. Кейинги уч йилда область партия комитети номенклатурасидаги бир қанча раҳбар кадр алмаштирилди. Кадрлар билан ишлашнинг ленинча нормалари ва принципларини қарор топтириш мақсадида шундай қилинди.

Бироқ бу билан ҳамма ишлар яхши боряпти деб бўлмайди. Областдаги бир қатор партия ташкилотларида кадрларга ишончсизлик кайфиятлари ҳамон мавжуд. Коммунистларга нисбатан талабчанлик сезилмайди. Шунинг учун ҳам йиғилишлар расмий тарзда ўтяпти, уларда танқидий фикрлар билдирилмайди, масалага жиддий ёндашилмайди. Булар ўз навбатида айрим партия комитетлари раҳбарлик ишига кўтариш учун яхши синалган кадрлар резервини шакллантирмаганлигини кўрсатяпти.

В. ШЕВЧУК, Муборак шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари: — Чиндан ҳам кадрларни танлаш ва тарбиялашда илгари юзакичиликка йўл қўйилганди. Энди эса талаб бутунлай бошқача: КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми, партия XXVII съезди ишимизда туб бурилиш ясади. Шунга биноан раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда. Бунинг учун партиявий ишнинг турли формаларидан кенг фойдаланяпмиз. Раҳбар кадрларнинг топширилган иш жабҳаси бўйича ахборотини эшитиб бориш билан уларнинг масъулияти ошириляпти. Масалан, шаҳар партия комитетининг ўтган пленумида район прокурори Р. Орзиқуловнинг ахбороти тингланди. Ў шаҳар партия комитети аъзоси сифатида пленум қатнашчилари саволларига жавоб қайтарди. Шаҳар ва районда жиноятчилик ва ичкиликбозликка қарши кураш бирмунча кучайганлиги қайд этилди.

Партия ташкилоти секретарлари билан бюро аъзоларининг тез-тез учрашиб турганлиги, номенклатурадаги кадрларга тобора яқинлашганлигимиз бошланғич ташкилотлар обрўсини оширди. Кадрлар резервидаги коммунистларнинг характеристикалари партия йиғилишларида барча коммунистларнинг овоз бериши йўли билан тасдиқланмоқда. Бу раҳбарликка «тасодифий» кадрлар қўйилиши олдини олади, деб ўйлаймиз. Қаердаки кадрлар ишчан бўлса, ўша ерда муваффақият ҳам таъминланмоқда, «Муборакгаздобича» бирлашмаси 12 декабрда ўтган йил планини ошириб бажарди. Аммо, иссиқлик энергияси марказида эса бошқача манзара: бу ерда тез-тез авариялар содир бўлиб турибди. Чунки, марказда инженер-техник ходимлар малака оширган партия ходимлари эса райком аппаратига ишга олишни режалаштирямиз.

Н. ЭРГАШЕВ, Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхози партия комитети секретари: — Совхоз партия ташкилоти ҳисобида 155 нафар коммунист бор. Улар хўжаликнинг ҳамма соҳаларида иш олиб боряптилар. Аммо хўжалик маъмурияти баъзан партия ташкилотини четлаб иш қилишга уриняпти. Директоримиз Б. Муродов узоқ йиллар қишлоқ хўжалик органларида раҳбар, Ғузор район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган. Шунинг учунми, бизнинг фикримизни охиригача эшитмайди. Айрим ҳолларда бош мутахассисларни маслаҳатсиз ўзича янги вазифага қўяверади. Бир йилнинг ичида бош бухгалтер уч марта, экономист икки марта ўзгартирилди.

Бундан ташқари совхоз директори ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, бирор сабаб билан ишдан олинган айрим раҳбарларни масъул вазифаларга тайинламоқда. Масалан, район агросаноат бирлашмаси ишдан бўшатган ипакчилик идораси мудири Ж. Шоймардоновни директор ўринбосарлиги лавозимига қабул қилди. Мен бу билан директорни ёмонлаб, ўзимни оқламоқчи эмасман. Биз — партком аъзолари коммунистлар мададига суяниб, масалани кўндаланг қўя олмаётганимиздан ҳижолатдамиз. Эҳтимол, «биринчи шахс»нинг таъсирига тушиб қолгандирмиз. Лекин, айбни бошқа кишига тўнкаш ўрнига кўпроқ зиммадаги вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишимиз зарур. Бу борада район партия комитети мададига таянамиз.

В. ХОЛИҚОВ, Китоб районидаги Навоий номли совхоз партия комитетининг секретари: — Мен партия ташкилоти секретари бўлиб ишлаётганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Ишни цех партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларида ва районда ўқитувчи, врач кадрлар ҳам етишмайди.

Район хўжаликлари ўтган йили пахта тайёрлашда жуда паст кўрсаткичларга эришдилар, йиллик план аранг 44 процент қилиб бажарилди. Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг қўнимсизлиги ишга жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бригада бошлиқларини аттестациядан ўтказамиз десак, айрим қўриқ совхозларда лаёқатли кадрлар кам. Ишимизни қайта қуришга, янгича ёндашувга ҳаракат қиляпмиз-у, натижаси унчалик кўзга ташланмаяпти.

Л. ТИТОВА, Қарши район партия комитетининг иккинчи секретари: — Партиявий ишни қайта қуриш кадрларни танлаш ва тарбиялашга ҳам тегишли. Аммо бир қатор муаммолар ҳам борки, уларни тезда ҳал этиш лозим. Биринчидан, кадрлар резервини вужудга келтириш керак. Бусиз кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Иккинчидан, кадрлар тайёрлашни партия сафига қабулдан бошламоқ лозим. Район партия комитети қайта қуришни мавжуд 118 та цех партия ташкилотининг партия сафига қабул ишидаги ролини оширишдан бошлади. Цех партия ташкилоти секретари ва унинг активлари қанчалик ташаббускорлик, талабчанлик билан ҳаракат қилсалар, партия сафига ўтадиган ёшларнинг фаолиятини чуқур ўрганса-лар хатога йўл қўйилмайди.

Афсуски, колхоз ва совхозлардаги айрим бригадаларда коммунистлар йўқ ҳисоби. Хўш, меҳнатда яхши пировард натижага эришган муносиб кишилар партия сафига қабул қилинса, уларни тарбиялаб масъул лавозимларга кўтарилса бўлмайдими? Менимча, бу масалани ўйлаб кўришга тўғри келади.

Биз кишиларни яхши ўрганмай юқори лавозимга тавсия қилиб панд еганмиз. Коммунист Ғаффор Дўстмуродов 4-бўлимда тажрибали бошқарувчи эди. Уни «Партия XXII съезди» совхози партия комитети секретарлигига сайлашганда коммунистлар ана шуни назарда тутишганди. Лекин у ишончни оқламаяпти. Совхозда ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Хўжалик пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш планларини барбод қилди.

Кадрлар резерви билан жиддий шуғулланишимиз керак. Келгусида район партия комитети ташкилий, қишлоқ хўжалик бўлимларида икки-уч йил ишлаб, тажриба орттирган инструкторларни партком секретарлигига тавсия этишни, бошланғич ташкилотларда ишлаб малака оширган партия ходимлари етакчилари, бошқа кадрлар фаолиятини атрофлича ўрганишдан бошладим. Шунда баъзан партия йиғилишлари қарорлари расмийлаштирилмаётганлиги, юқори ташкилотларнинг қарорлари қоғозда қолиб кетаётганлиги маълум бўлди. Бу соҳада қатъий тартиб ўрнатишга эришдик.

«Партия XX съезди» совхозида бўлгани сингари биз ҳам айрим масалаларда совхозимиз директори билан келишолмаганмиз. Тўғри, хўжалигимиз ҳар йили пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажариб келяпти. Бу муваффақиятлар директор К. Ашуровни эсанкиратиб қўйди, чоғи. Унинг айниқса кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда ҳеч ким билан маслаҳатлашмай иш тутаётганлиги хўжалигимиз учун жуда қимматга тушяпти. У раҳбар этиб тайинлаган кўп кадрлар ишончни оқлашмади. Масалан, Адҳам Исмоилов 3-бригадага жуда бўш раҳбарлик қилди. Барча зарур шароитларга эга бўла туриб, бригада ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмади. Болалар боғчаси методисти ҳам икки ой ишлаб-ишламай кетиб қолди. Хўжалик раҳбари партия ташкилоти билан бамаслаҳат иш тутмай катта хато қилди. Тўйларда ичкиликбозликка йўл қўйиб берганлиги учун унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

Менимча, кадрларни танлаш ва юқори лавозимга тавсия этишдан олдин уларнинг ижобий ва салбий томонлари, маънавий қиёфасини чуқур ўрганмоқ коммунистлар фикри, мулоҳазаларига қулоқ солиш зарур.

М. МАҲМУДОВ, Қарши шаҳар партия комитети ташкилий бўлими мудири. — Шаҳар партия комитети бирор кишини раҳбарлик лавозимига қўйишдан олдин у ишлайдиган коллектив фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олмоқда. Масалан, 25/29-автобазага директорликка икки киши тавсия қилинди. Уларнинг иккови ҳам маълумоти олий, тажрибали мутахассислар эди. Автобаза коллективи эса илгари директор ўринбосари бўлиб ишлаган В. Григорянцни ўзларига раҳбарликка қабул қилди.

Жойларда кадрлар масъулиятини кучайтириш учун аввало бошланғич партия ташкилотлари ролини ошириш керак. Шаҳар партия комитети бюро аъзолари бюро мажлисига масала тайёрлаш учун қуйи ташкилотларда бўлганларида бошланғич партия ташкилоти фаолиятини ишга виждонан ёндашуви, ўз партия ташкилотига яқиндан туриб амалий ёрдам кўрсатиши билан бошқалардан ажралиб туради. Биз шундай кадрларни резервга олганмиз. Сайлаб қўйилган кадрларнинг нормал ишлашлари учун тегишли шароит яратиб берилмоқда.

Н. ХОЛИҚОВ, Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли совхоз партия комитетининг секретари:

— Қайта қуриш иш услубимизда кескин бурилиш ясади. Райком ходимлари вақти-вақти билан бошланғич ташкилотда бўлиб уларга амалий ёрдам бермоқдалар. Аммо шундай инструкторлар ҳам борки, улар жойларда бўлганларида фақат протоколларни кўриб кетиш билан кифояланишади. Амалий ёрдам кўрсатишмайди. Ҳолбуки, улар ҳатто цех партия ташкилотларида ҳам бўлиб резервлардаги кадрлар билан, коммунистлар билан суҳбатлашишлари, ишни юритишда уларга ёрдам беришлари лозим. Шундагина қуйи партия ташкилотлари иши янги мазмун билан бойийди.

Коммунистларнинг ташкилотчилиги сабабли совхозимиз пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилида асосан оғир участкаларга раҳбарликни ишчан, ташкилотчи коммунистлар зиммасига юклаяпмиз. Бизнинг истагимиз ишчилар хоҳиш-иродасига мос келмоқда.

Наманган область, Норин районидаги хўжаликларда ўрта звено раҳбар кадрлари ёпиқ овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилаётганлиги бизнинг хўжалигимиз да ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Чўлқуварлар ўзларига синашта, ишбилармон коммунистларни раҳбарликка тавсия этишяпти. Биз бундай жонкуяр кадрлар сафини янада кенгайтириб борамиз.

Масалан, Аҳмад Бердиев Карл Маркс номли колхозда пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. У район партия комитети аъзолигига сайланган. Яқинда райкомга А. Бердиевнинг озгина ютуқлардан кибрланиб, босартусарини билмай қолганлиги, ўзи ҳисобда турадиган цех партия ташкилоти йиғилишига қатнашмай қўйганлиги тўғрисида сигнал тушди. Райком аъзосига ўз вақтида хатоси кўрсатилиб, танбеҳ берилди.

Сайлаб қўйилган райком аъзоларининг қўпчилиги ўзларига берилган вазифани муваффақиятли бажаришга интилмоқда. Масалан, «Партия XXII съезди» колхозининг бригадири Санобар Муродова — райком аъзоси, у камтарлиги, топширилган ишга виждонан ёндашуви, ўз партия ташкилотига яқиндан туриб амалий ёрдам кўрсатиши билан бошқалардан ажралиб туради. Биз шундай кадрларни резервга олганмиз. Сайлаб қўйилган кадрларнинг нормал ишлашлари учун тегишли шароит яратиб берилмоқда.

Н. ХОЛИҚОВ, Нишон районидаги Сальвадор Альенде номли совхоз партия комитетининг секретари:

— Қайта қуриш иш услубимизда кескин бурилиш ясади. Райком ходимлари вақти-вақти билан бошланғич ташкилотда бўлиб уларга амалий ёрдам бермоқдалар. Аммо шундай инструкторлар ҳам борки, улар жойларда бўлганларида фақат протоколларни кўриб кетиш билан кифояланишади. Амалий ёрдам кўрсатишмайди. Ҳолбуки, улар ҳатто цех партия ташкилотларида ҳам бўлиб резервлардаги кадрлар билан, коммунистлар билан суҳбатлашишлари, ишни юритишда уларга ёрдам беришлари лозим. Шундагина қуйи партия ташкилотлари иши янги мазмун билан бойийди.

Коммунистларнинг ташкилотчилиги сабабли совхозимиз пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йилида асосан оғир участкаларга раҳбарликни ишчан, ташкилотчи коммунистлар зиммасига юклаяпмиз. Бизнинг истагимиз ишчилар хоҳиш-иродасига мос келмоқда.

Наманган область, Норин районидаги хўжаликларда ўрта звено раҳбар кадрлари ёпиқ овоз бериш йўли билан сайлаб қўйилаётганлиги бизнинг хўжалигимиз да ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Чўлқуварлар ўзларига синашта, ишбилармон коммунистларни раҳбарликка тавсия этишяпти. Биз бундай жонкуяр кадрлар сафини янада кенгайтириб борамиз.

— Бугунги суҳбатда муҳим таниқдий фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланди, коллективларда, бошланғич партия ташкилотларида кадрлар билан ишлашда рўй берган камчиликлар ошкора руҳда тилга олинди, — деди суҳбат якунида область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Н. ВИДЕШИН. — Қайта қуриш даврида кадрларни танлаш ва тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларда таниқд ва ўз-ўзини таниқд, уюшқоқлик ва талабчанлик муҳитини янада ривожлантирмоқ керак.

Область партия комитети жойларда ана шундай муҳитни қарор топтириш мақсадида яқинда Мироқи посёлкасидаги «Каршистрой» бошқармаси дам олиш уйи ва ўқув пунктида ташкил этилган тайёрлов курсларида шаҳар ва район партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарлари, ташкилий бўлим мудирлари, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг секретарлари, РАПО ва хўжалик раҳбарларининг малакаларини оширди. Бу курсларда партия ва хўжалик раҳбарлари партиявий иш структураси ва уни такомиллаштириш проблемалари, хўжалик юритиш механизми, қайта қуриш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга доир бир қатор лекция ва суҳбатлар тингладилар. Ўзаро тажриба алмашдилар.

Маълумки, партия раҳбар ходимдан қуруқ ваъдаларни эмас балки амалий ишларни кутмоқда. Ҳар бир раҳбар кадр, лавозимидан қатъи назар ўз фаолиятига таниқдий баҳо бериб ишламоғи керак. Принципиал таниқд манманлик ва либералликни бархам топтиради. Шундай иш тутган кадргина омма билан чамбарчас боғланади, партия ташкилотига, коллективга оқилона етакчилик қила олади. Область партия комитети ушбу даврда кўтарилган масалалар ва уларнинг ижросини таъминлашни мунтазам назорат қилиб боради.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

• Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми қарорлари—ҳаётга!

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ РЕГИОНАЛ МУАММОЛАРИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Башариятнинг буюк доҳийси В. И. Ленин даҳоси, раҳбарлиги ва бевосита иштироки билан амалга оширилган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган йилга қадам қўйдик. Ана шу қутлуғ сана арафасида мамлакатимизда социализм қурилишининг ҳозирга қадар тўпланган тажрибасини умумлаштирар эканмиз, ҳақли равишда фахрланамиз. КПСС ва Совет давлати ижтимоий тараққиётнинг марксизм-ленинизм классиклари томонидан очиб берилган қонуниятларига таянган, коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида ва муҳим бурилиш нуқталарида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг революцион стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиб, уни дадиллик билан амалга оширмоқда.

Ҳар бир бурилиш нуқтасида, жумладан, партия ва халқ иродаси билан буюк бунёдкорлик фаолияти авж олган ҳозирги паллада кўзланган мақсадга эришишда янги ижтимоий тузум ғалабасининг дастлабки кезларидаги, шундан кейинги революцион яратувчилик тажрибаларидан сабоқ оламиз, барча ғалабаларимизни таъминлашда оғамиз улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг беғараз, биродарона ёрдамидан миннатдор бўламиз.

Октябрь ғалабасидан кейин Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан, Ўзбекистонда янги иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг амалдаги даражасига зид келиб қолди. Шунинг учун бу районларнинг иқтисодий қолоқлигига хотима бериш асосий ва ҳаётий масала эди. Уни мазкур халқларнинг феодализмдан тўғридан-тўғри социализмга ўтишига йўл очган революциямиз яратган имкониятларидан фойдаланиш йўли билангина ҳал этиш мумкин эди. Бунинг моддий асоси эса фақат бутун мамлакатни ва ҳар бир республикани барча халқлар баҳамжиҳатлигида социалистик индустрлаштиришдан иборат эди.

Ана шу жиҳатларга кўра дастлабки вақтларданоқ Ўзбекистон ССРни социалистик индустрлаштиришга республика экономикасини ривожлантириш манфаатларини бутун мамлакат экономикасини ривожлантириш манфаатлари билан уйғунлаштириш принципи асос қилиб олинди. Шу маънода ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда В. И. Ленин томонидан имзоланган Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги декрет жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлди.

Илгари қолоқ бўлган районларда, жумладан Ўзбекистонда саноатни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Миллий республикаларнинг амалдаги тенгсизлигини бартараф этиш мақсадида уларнинг саноати Иттифоқ бўйича ўртача ўсиш суръатларига нисбатан устун даражада ривожлантирилди. Уларни мамлакатнинг саноати ривожланган районлари даражасига кўтариш, шу асосда миллий республикаларнинг ҳар бирида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш учун моддий асос яратиш лозим эди.

Партиянинг ана шу йўлини амалга оширишда РКП(б) X съезди муҳим аҳамиятга эга бўлди. Съезд ижтимоий ва хўжалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида миллий тенгсизликнинг ҳамма қолдиқларини изчиллик билан тугатиб боришни, фабрикаларни хом ашё манбаларига кўчириш (Туркистон, Бошқирдистон, Қирғизистон, Кавказга), тўқимачилик, жун, консерва саноати ва бошқаларни кўчириш йўли билан чекка ўлкаларда саноат корхоналарини планли равишда жойлаштиришни биринчи даражали вазифа қилиб қўйди.

Съезд қарорига мувофиқ дастлабки кезларда саноатни вужудга келтириш корхоналарни Туркистон АССР, Бухоро ва Туркманистонга кўчиришдан бошланди. Ўрта Осиё республикаларида саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш учун Туркистон АССР ва БХСРга Москванинг «Заря Востока» ва «Красний Восток» йирик ип-газлама фабрикалари берилди. Уларда миллий ассортиментларда газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маҳаллий миллатлардан ишчи кадрлари тайёрлана бошланди.

Социалистик индустрлаштириш даврида ва урушдан олдинги беш йилликларда республика саноатини ривожлантиришда ҳал қилувчи ютуқларга эришилди. Кўчириб келтирилган ва янги барпо этилган саноат ўчоқлари ўлканинг меҳнаткаш оммасини индустриал меҳнатга жалб этишда катта роль ўйнади ва маҳаллий миллатлардан саноат ишчи кадрлари тайёрлашнинг ажойиб мактаби бўлди. Социалистик интернационализмнинг амалдаги тимсоли бўлган бу тадбир мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексига миллий республикалар, жумладан Ўзбекистон қўшган ва қўшаётган ҳиссасини оширмоқда.

СССРни иқтисодий ва социал ривожланишнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида бундай дейилган: **«Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг территориал структураси такомиллаштирилсин, ҳар бир иттифоқдош республикада ва ҳар бир иқтисодий районда иқтисодий ривожланиш билан социал ривожланиш оқилона бирга қўшиб олиб борилиши таъминлансин, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида уларнинг ўзаро алоқаси яхшилансин».** Ана шу улуғвор вазифаларни ҳал этишда ҳар бир иттифоқдош республика, жумладан, Ўзбекистон ССР муҳим роль ўйнайди.

Бугунги Ўзбекистон индустриал-аграр иттифоқдош республика бўлиб, унинг кўп тармоқли хўжалиги комплекс равишда муттасил ривожланиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз миллий бойлигига қўшаётган ҳиссаси ортмоқда ва айни вақтда республиканинг ички эҳтиёжлари тобора тўла қондирилмоқда. Ҳозирги вақтда юздан ортиқ саноат тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар хил маҳсулотлари етмишдан кўп чет мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Республикамиз мамлакатнинг асосий пахта базасидир. У — Иттифоқда етиштириладиган пахтанинг қарийб 63 процентини, пилланинг — 60, қорақўлнинг 30 процентдан ортиқроғини, жами каноп ҳосилини етказиб беради.

Лекин афсуски, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида кўрсатилганидек, республика ўн биринчи беш йиллик планида белгиланган марраларга чиқа олмади, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси сезиларли равишда пасайди. Миллий даромаднинг йиллик ўртача ўсиш суръатлари бирмунча камайди.

КПСС XXVII съезди мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожланишида жиддий камчиликлар ва нохуш ҳоллар борлигини аниқ ва равшан кўрсатиб берди. Бу ҳоллар баъзи республикалар ва регионларда айниқса яққол кўринди. Афсуски, ана шундай республикалар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Шу жиҳатларни назарда тутиб, республика Компартиясининг XXI съезди, Марказий Комитетнинг шундан кейин бўлиб ўтган III пленуми ана шундай ҳолатларга принципиал, партиявий баҳо берди.

Шуни айтиш керакки, республикадаги ва бошқа регионлардаги баъзи олимлар ана шундай нохуш ҳолларнинг илдизларини бу халқлар капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри социализмга ўтганлигида деб изоҳлаб, бу вақтинчалик тенденцияни қонуниятга айлантиришга интилдилар. Бу қўпол хато марксизм-ленинизм принципларига ҳам, бу халқларнинг коммунистик қурилиш практикасига қўшган ҳиссасига ҳам мутлақо тўғри келмайди. Бу масалага тўхтаётганимизнинг боиси шундаки, ўтган йил апрелида Тошкентда «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий муносабатларни такомиллаштириш» мавзуига бағишланган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясида ана шундай нотўғри фикр баён этилди.

Ҳозирги вақтда юзага келган объектив жараённинг таҳлили В. И. Ленининг илгари қолоқ бўлган халқларнинг капиталистик босқични четлаб ўтиб, социализмга ўтишлари мумкинлиги ҳақидаги назарий қоидаси Совет Шарқи республикалари, жумладан Ўзбекистон, шунингдек Осиё ва Африкадаги социалистик тараққиёт йўлини танлаган бошқа мамлакатларнинг амалий тажрибасида ҳам тўла тасдиқланди. Юқорида айтилган, яъни юз берган нохуш ҳоллларнинг илдизлари капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри социализмга ўтилганлигида, деган фикрга қўшилиш эса В. И. Ленининг мазкур таълимотига ҳамда енгил бўлмаган нокапиталистик тараққиёт йўлини танлаган, қанчадан-қанча қийинчиликларни енгиб ўзига йўл очаётган ана шу мамлакатларнинг революцион, социал иқтисодий ва сиёсий қайта ўзгартиришларига салбий таъсир кўрсатган, айни вақтда прогрессив тараққиёт йўналишларини бузиб кўрсатишга, уни бадном қилишга уринаётган буржуа пропагандасига ҳеч асоссиз озуқа берган бўлур эди.

Шунинг учун юз берган салбий ҳолларни бартараф этиш билан бирга, ҳам илмий, ҳам амалий фаолиятда бундай асоссиз фикрларга йўл бермаслик керак. Чунки бундай фикрлар ва хатти-ҳаракатлар КПССнинг ленинча миллий сиёсатига зиддир.

Ҳақиқатда эса юз берган салбий ҳолатлар КПСС XXVII съездида очиқ-ойдин ва объектив айтилганидек, бутун мамлакат халқ хўжалигининг 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошидаги ҳолати учун характерли бўлди. Буни изоҳлашга ҳожат йўқ. Бинобарин, ўшандай ҳолатларнинг ҳамма сабабларини аввало бизга капитализмдан қолган ва социализм шароитида вақти-вақти билан ўзини кўрсатиб қоладиган хусусий мулкчилик психологиясидан изламоқ керак.

Ф. Энгельс «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» асарида айтганидек, қулнинг бўлиши қулдорнинг шахсий манфаати учун зарур, крепостнойничи, уни боқадиган бир бўлак ери бор; уларнинг иккови ҳам ҳеч бўлмаганда очдан ўлишдан гарантиялган. Пролетарлар эса бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва айни вақтда кун кўриш учун ўз кучини қўлланиш имконидан маҳрум этилган. Буюк пролетар доҳийси ана шу фикрдан уларнинг ўғирлик қилмаслик учун бошқа қандай иложи бор? деган хулоса чиқаради. Бундай иллатлар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам юз берганди. Шу муносабат билан В. И. Ленин бундай деган эди: «Ишчилар синфининг манфаатларини капитализм традицияларига (урф-одатларига) қаттиқ ёпишиб олган ва

ҚАРИЯЛАР РАНЖИМАСИН

ҚАРИЯЛАР ВА ИНВАЛИДЛАРНИНГ БИР ҚАНЧА ИНТЕРНАТ-УЙЛАРИДА РЕМОНТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШ, ИНВЕНТАРЛАР ТАЪМИНОТИ, ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИНИ ЮЛГА ҚЎЙИШДА КАМЧИЛИКЛАР СОДИР БЎЛМОҚДА

Республикамизда қариялар ва инвалидлар интернат-уйлари тармоғи сўнги йилларда кенгайиб, уларнинг моддий-техника базаси бир мунча мустаҳкамланиб бормоқда. Бу мақсад учун давлат бюджетидан ҳар йили миллионлаб сўм пул маблағи ажратилаётир. Ҳозир республикамизда 9100 ўринга эга бўлган 32 та интернат-уй ишлаб турибди.

Ўн биринчи беш йилликда Фарғона области ва Тошкент шаҳрида иккитадан, Андижон, Бухоро ва Тошкент областларида биттадан умумий ҳажми 1650 ўринли 7 та интернат-уй қурилди. 1986 йилда Қашқадарё областининг Яккабоғ шаҳрида умумий типдаги янги интернат-уй қуриб ишга туширилди. 27 та интернат-уйда даволаш-меҳнат устахоналари ишлаб турибди. 17 та интернат уйларда ёрдамчи хўжаликлар, 10 тасида томорқа участкалари ташкил этилган.

Аммо, ҳали кўпгина интернат-уйларнинг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Уларнинг баъзиларида қария ва инвалидлар учун тегишли шароитлар яратиб берилмаган. Бу ҳақда республика Халқ контроли комитети томонидан яқинда ўтказилган текшириш материаллари далолат бериб турибди.

Интернат-уйлар учун янги бинолар қуриш бўйича 1977 йилда кўзда тутилган топшириқлар қониқарсиз бажарилмоқда. Ўша кўрсатмага биноан ўн биринчи беш йилликда маҳаллий Советларнинг маблағлари ҳисобига 4200 ўринли 15 та интернат-уйлар қурилиши лозим эди. 1986 йилга келиб шу ҳисобдан фақатгина 1700 ўринга эга бўлган 8 та интернат-уй қурилди, холос. Жиззах, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон автоном республикасида интернат-уйлар қурилиши қониқарсиз аҳволда олиб борилмоқда. Аввало, бу давр ичида айрим маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари етарлича маблағ ажратмадилар. Қолаверса, ажратилган маблағлар ҳам қишлоқ қурилиш ташкилотлари томонидан ёмон ўзлаштирилиб келинди. Масалан, ажратилган маблағлар 1984 йилда 65 процент, 1985 йилда эса 61 процент миқдорида ўзлаштирилди. Баъзи интернат-уйларнинг бинолари сифатсиз қурилмоқда. Сўнгги йилларда қурилган Қоракўл, Андижон ва Яккабоғ интернат-уйларининг бинолари бир қатор камчиликлар бўлишига қарамасдан фойдаланишга қабул қилиб олинган.

Текшириб кўрилган 26 та интернат-уйдан 10 таси мақсад учун мос бўлмаган биноларда жойлашган ва уларда васийлик қилинувчилар учун тегишли шароит яратилмаган. 6 та интернат-уйда марказий иситиш тармоғи йўқ, 11 та интернат-уйи эса марказлаштирилган канализацияга эга эмас. Психоневрологик беморларга хизмат қилувчи интернат-уйларнинг бирортасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Масалан, Хўжайли шаҳридаги аёллар ва шундай интернат-уйи бир қаватли эски биноларда жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар бир яшовчи учун тўғри келадиган турар жой майдони уч квадрат метрга ҳам етмайди. Бу уйда водопровод ҳам йўқ, сувни цистерналарда ташиб келтирилади. Ургут, Зомин, Оҳангарон интернат-уйлари, Шаҳрисабз шаҳридаги аёллар ва Самарқанд шаҳридаги эркаклар психоневрологик интернат-уйларида ҳам зарур шароит яратилмаган.

Интернат-уйларда капитал ва жорий ремонт қилиш ишлари ўлда-жўлда. Масалан, Оҳангарон эркаклар психоневрологик интернат-уйида анчадан бери капитал ремонт ўтказилмайди. 1986 йилда эса бу интернатнинг 5 та бўлимидан биттасида жорий ремонт ўтказилган, холос.

Интернат уйларнинг кўпчилиги юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан ёмон таъминланганлиги, уларда устки ва ички кийимлар етишмаслиги маълум бўлди. Бухородаги эркаклар интернат-уйида стул ва идиш-товоқ камчил. Шу шаҳардаги аёллар интернат-уйида пальто етишмайди. Самарқанддаги умумий типдаги интернат уйида иссиқ одеял, эркаклар костюми хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Тошкентдаги эркаклар психоневрологик ва 2-ақлий қолоқ болалар интернат-уйларида ҳам аҳвол яхши эмас.

Мазкур муассасаларни озиқ-овқат билан таъминлаш ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Мутасаддиларнинг бепарволиги туфайли овқат кўпинча бир хилда, крупа ва макарон маҳсулотларидан тайёрланмоқда. Қорақалпоғистон АССРдаги Чимбой интернат-уйида яшаётганларнинг овқати учун картошка, сабзавот, мева, балиқ, сариёғ, тухум белгиланганидан кам берилган. Тошкент шаҳридаги интернат-уйларда ҳам овқатланишни ташкил қилиш соҳасида бир қатор нуқсонлар мавжуд.

Баъзи интернат-уйларда тайёрланаётган овқатларнинг калориясини пасайтириш фактларига йўл қўйилмоқда. Масалан, Бухоро шаҳар эркаклар интернат-уйида тайёрланган овқатлар текшириб кўрилганда, уларнинг калорияси 30—40 процент пасайтириб юборилганлиги маълум бўлди. Шу шаҳардаги аёллар интернат-уйида эса айрим овқатларнинг калорияси тенг ярмига пасайтириб юборилганлиги айни ноинсофликдир.

Интернат-уйларда овқатни ташкил қилиш соҳасида йўл қўйилаётган нуқсонларда савдо ташкилотларининг ҳам айби бор. Айрим савдо ташкилотларининг раҳбарлари қариялар ва беморлар интернат-уйларига нормадагидек юқори сифатли ва турли хил маҳсулот етказиб бериш ишига панжа орасидан қарамоқдалар. Интернат-уйларининг баъзи раҳбарлари бундай аҳволга чидаб, савдо ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан муросасозлик қилиб келмоқдалар.

Медицина хизмати кўрсатишда ҳам камчиликлар бор. Аввало шуни айтиш керакки, бу муассасаларда врачлар етишмайди. Республика Социал-таъминот министрлиги ва 1981—1985 йилларда 100 врач учун заявка берган бўлса, амалда 55 врач ажратилган, улардан эса атиги 20 кишигина тегишли интернат-уйларга ишга борган, холос.

Интернат-уйларда яшовчилар медицина кўригидан ўз вақтида ва малакали қилиб ўтказилмайди. Худди шу нуқсон ўтган йили Зомин ва Сирдарё интернат-уйларида содир бўлди. Баъзи интернат-уйларда медицина пунктлари тузукроқ ташкил этилмаган, уларда медицина ускуналари, шприцлар ва дори-дармонлар етишмайди. Врачлар томонидан беморларга тегишлича эътибор бермаслик фактлари учраб турибди. Масалан, Зомин интернат-уйида бетоблар врач томонидан бир неча кун давомида кўрилмаганини қандай изоҳласа бўлади? Бу масалада интернат-уйлар маҳаллий поликлиникалар ва бошқа медицина муассасаларининг амалий ёрдамига муҳтож.

Юқорида айтилганидек, 17 та интернат-уйда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Аммо, бу хўжаликларнинг ишида камчиликлар кўп. Экин экилган майдонларни ва улардан олинаётган ҳосилни ҳисобга олиш ва бу масалалар устидан контроллик қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Чорва молларини боқиш ва уларни сақлаш соҳасида ҳам нуқсонлар оз эмас.

Директив органларнинг интернат-уйларга оталиқ қилиш масаласи бўйича кўрсатмаси кўпчилик корхона ва ташкилотлар томонидан ёмон бажарилмоқда. Область, шаҳар ва район ижроия комитетларининг қарорига асосан оталиқ қилувчи ташкилотлар расман аниқланган, лекин улар билан интернат-уйлар ўртасидаги алоқа етарли бўлмаяпти.

Бир қатор интернат-уйларда молия-хўжалик интизомини бузиш фактларига йўл қўйилмоқда. Бухгалтерия, ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилмаган, моддий бойликларни сақлаш етарлича таъминланмаяпти. Масалан, Сурхондарё областидаги Денов интернат-уйида 1984—1986 йиллар давомида 74,8 минг сўмлик жиҳоз ва бошқа материаллар етишмаслиги аниқланди. Бу масала бўйича ҳужжатлар тергов органига жўнатилди.

Текшириш пайтида кўпчилик интернат-уйларда камчиликларни бартараф этиш бўйича чора ва тадбирлар амалга оширилди. Бухородаги аёллар интернат-уйининг директори Р. Мажитова лавозимидан бўшатилди. Шу шаҳардаги эркаклар интернат-уйининг директори Х. Норовга виговор ва Оҳангарон шаҳридаги психоневрологик интернат-уйи директори М. Пошшаевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Кўриниб турибдики, область ижроия комитетларининг социал таъминот бўлимлари қариялар ва инвалидлар интернат-уйларининг ишини алоҳида назорат остига олишлари лозим, қарияларни ранжитмаслик керак. Бугунги куннинг юксак талаблари ана шуни тақозо этади.

Т. ХОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КПССнинг XXVII съезди тўғрисидаги китоб

МОНТЕВИДЕО. КПССнинг XXVII съездига бағишланиб яқинда бу ерда чиқарилган китоб «Тарихий съезд» деб аталади. Китобга Совет Иттифоқидаги «Коммунист» журналининг испан тилига таржима қилинган ва съезд якунлари таҳлил этиб берилган бешта мақоласи киритилган. Нашрни Уругвай Компартиясининг назарий органи — «Эстудиос» журнали редакцияси тайёрлади.

КПССнинг XXVII съезди — бу тарихий аҳамиятга молик сиёсий воқеадир, деб ёзади китобга сўзбошида «Эстудиос» журналининг масъул секретари Хулио Родригес. Совет коммунистларининг анжумани партиянинг фан-техника тараққиёти асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга, ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлашга, экономикани структура жиҳатидан қайта қуришга, бошқарувнинг самарали методларини жорий этишга, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришга қаратилган стратегик йўлини тасдиқлади. Омманинг жонли ижодий иштироки, социалистик тузумнинг жуда катта афзалликларидан энг кўп даражада фойдаланиш, социалистик демократияни чуқурлаштириш — жадаллаштириш иши муваффақиятини таъминлаши лозим бўлган асосий омиллардир.

Сўзбоши муаллифи китобнинг нашр этилиши Уругвай халқига СССР ҳаётидаги янги муҳим тарихий босқич билан яхшироқ танишишда ёрдам беради, деб ишонч билдиради.

(ТАСС).

«ЭРОНГЕЙТ» ТЕВАРАГИДА

ВАШИНГТОН, 13 январь. (ТАСС). Оқ уй Эронга махфий равишда қурол-яроғ сотганлиги ва бундан тушган маблағнинг бир қисмини ғайри-қонуний равишда Никарагуа контрасларига юбориб турганлиги сабабли чиққан можаро натижасида президент Рейганнинг позицияларига жиддий путур етди. Сенат ташқи ишлар комитетининг янги раиси Клейборн Пелл ЮПИ агентлиги мухбирига ана шуларни айтди. У 14 январь куни шу комитетда «Эронгейт» хусусидаги мунозаралар бошланиши муносабати билан маъмурият бошлиғини ана шу қаллоблик тўғрисидаги бор ҳақиқатни айтиб беришга чақирди.

Можородаги бош «қаҳрамонлар»дан бири, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи собиқ ёрдамчиси Роберт Макфарлейн «Эрон—контрас» битимини унинг илк босқичларида гўё президент билмаган эди, деб Оқ уй тарқатаётган ёлғон гапларни яна фош қилди. У Эн-Би-Си телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда Рейган 1985 йилнинг августидаёқ Эронга қурол-яроғ жўнатишга шахсан ижозат берганлигини айтди. Макфарлейн бунда Рейган «Американинг бир қанча қонунларини бузган бўлса керак»лигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Макфарлейннинг айтган гапларига кўра, президентнинг ғайри-қонуний авантюрага даҳлдорлиги фактини жамоатчиликдан яшириш учун Оқ уйда ёлғон-яшиқ хабарлар тарқатиш кампанияси уюштирилган. Чунончи можаронинг энг муҳим қатнашчиларидан бири, миллий хавфсизлик кенгашининг юқори мартабали собиқ ходими Оливер Норт «президентнинг позицияларини мустаҳкамлаш учун» воқеалар хронологияси ёзилган докладномани бир неча марта қайтадан ёзиб чиқди. Бунда у фактларни бузиб кўрсатиб, уларни Оқ уйга маъқул бўладиган ҳолга келтириб қўйган. Эн-Би-Си телекомпаниясининг далолат беришича, махфий фирибгарликлар бошқа қатнашчиларининг гап-сўзлари билан бир қаторда Нортнинг гувоҳликлари ҳам «маъмуриятнинг алдамчилигини ниқоблаши» ва «президентни Эрон можаросидан ҳимоя қилиши» лозим эди.

«Уолл-Стрит журнэл» газетасининг ёзишича, Оқ уй аппарати «Эрон — контрас» операцияси учун бутун айбни аллақачон истеъфога чиқиб кетган президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи собиқ ёрдамчилари Макфарлейн ва Пойндекстер, миллий хавфсизлик кенгаши аппаратининг собиқ ходими подполковник Норт зиммасига, шунингдек Эронга қурол-яроғ сотишда воситачилик қилган исроилликлар зиммасига ағдаришга уринмоқда.

Бу орада «Эронгейт» номи билан машҳур бўлиб қолган сиёсий найрангларнинг ифлос калавасини чуватиш тобора янги-янги шармандали фош этишларга олиб келмоқда.

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

ВСР. Совет Иттифоқи Вьетнамга бир қатор қудратли энергетика объектларини барпо этишда ёрдам бермоқда. Қора дарёдаги 2 миллион киловатт қувватли Хоабинь гидроэнергетика комплекси ва 640 минг киловатт қувватли Фалай иссиқлик электр станцияси ана шундай объектлардан энг муҳимларидир.

Хоабинь гидроузели совет ва вьетнамлик мутахассислардан мураккаб инженерлик ечимларини талаб этган объект ҳисобланади.

СУРАТДА: совет мутахассиси Б. Абакумов вьетнамлик пайвандловчилар билан.

Д. Краюшкин фотоси

ТАСС.

БУЮК БРИТАНИЯДА ЯДРО ҚУРОЛИ ОРТИЛГАН ЮК АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ АВАРИЯСИ ХУСУСИДА

ЛОНДОН, Уилтшир графлигидаги Солсбери шаҳри яқинида дам олиш кунлари ядро қуроли ортилган машиналар билан бўлган хатарли авария хусусидаги янги маълумотлар тобора ошкор бўлиб бормоқда.

Илгари хабар берилганидек, ядро жанговар зарядлари ортилган 20 тонналик ҳарбий юк машинаси бошқаришнинг иложи бўлмай қолганлиги натижасида тўнкарилиб кетди. Иккинчиси эса машиналар рўпарадан келаётган йўлга сурилиб кетди ва трасса чеккасида аранг тўхтади. Воқеа содир бўлган жойга етиб келган денгиз пиёда аскарлари ва полиция бўлинмалари авария рўй берган жойни қуршаб олдилар. Шундан 18 соат ўтганидан кейингина қудратли кўтарма кран аварияга учраган юк машинасини йўл устига кўтариб қўйди. Маҳаллий кузатувчилар хавотирлик билан автомашина жиддий тарзда шикастланганлиги оқибатида радиация тарқаб кетган бўлиши мумкин, деб ёзмоқдалар.

Британиянинг ҳарбий маъмурлари ана шу аварияга тааллуқли бирон-бир хабарни айтишдан бўйин товламоқдалар. Шу муносабат билан Ядровий қуролсизланиш ҳаракатининг бош секретари Маргарет Бересфорд журналистларга қуйидагиларни айтди: «Бундай воқеа илгари ҳам содир бўлган эди. 1985 йилнинг август ойида Хелленберг (Шотландия) шаҳридаги серқатнов кўчаларнинг бирида икки оғир юк машинаси тўқнашиб кетган, бу автомашиналарга «Поларис» ракеталари учун ядро каллаклари ортилган эди, деб ҳисобламоқдалар. Консерваторлар ҳукумати бу галги жиддий авариянинг тафсилотларини сир тутишига йўл қўймаслик керак. Жамоатчилик ҳақиқатни билиши лозим».

Лейбористлар партиясидан жамоалар палатасига сайланган депутат Мартин Оънил матбуот учун баёнот бериб, бу юк автомашиналари Олдермастондаги илмий-тадқиқот марказидан Дин-хиллдаги ҳарбий-денгиз кучлари ўқ-дори омборига ракета қуролларини ташиб келаётган бўлиши мумкин, деб таъкидлади. Парламент аъзосининг сўзларига қараганда, у жамоалар палатасининг шу яқин орада бўладиган мажлисида консерваторлар ҳукуматидан Солсбери атрофидаги авария тафсилотлари хусусида тўла ва ҳаққоний ахборот беришни талаб қилиш фикридадир.

(ТАСС).

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

АХДП билан АДР ҳукумати эълон қилган миллий яраш сиёсати халқимизнинг орзу-умидларига ва манфаатларига тўла-тўкис мос келади, деди АДРнинг СССРдаги элчиси Х. Мангал 14 январь куни Афғонистоннинг Москвадаги элчихонасида совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида.

Х. Мангал ҳозир бўлган кишиларни миллий яраш сиёсатининг асосий принциплари ва мақсадлари билан таништирди ҳамда бу сиёсат Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётганини таъкидлади. Миллий яраш сиёсатини ўтказиш ишида Совет Иттифоқи кўрсатаётган мадад ҳақида гапирганида элчи бу мадад афғон халқига янги куч бахш этмоқда, деди.

— Афғонистон ҳукуматининг даъватига душманлар қандай жавоб қайтаришяпти? — деган саволга жавоб бериб, элчи қуйидагиларни маълум қилди. — Ҳозир мамлакат ичкарисидаги жами 37 минг кишидан иборат 417 та аксилинқилобчи қуролли бўлинмалар халқ ҳокимияти органлари билан музокара бошлади. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ қуролни ташлаб халқ ҳокимияти тарафига ўтдилар.

Шу билан бирга, деб уқтирди у, баъзи душман гуруҳларнинг раҳбарлари халқ ҳокимиятининг миллий яраш тўғрисидаги даъватига тиштирноқлари билан қарши чиқиб, унга қутуриб ҳужум бошладилар. (ТАСС).

Совет давлатига илгаригидек: «унга» озроқ ва ёмонроқ ишлаб бериб, «ундан» кўпроқ пул юлиб олиш керак, — деб қарашда давом этаётган бир ҳовуч, бир гуруҳ, бир тоифа ишчилардан қўриқлаш керак... Босқинчи, ифлос ва қонхўр капитализмдан қолган бу мерос бизни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ бўғмоқда, янчмоқда, тилмоқда, эзмоқда. Бу меросдан бирданига қутулиб бўлмайди, унга қарши тинмай курашиш керак, унга қарши бир марта, икки марта эмас, балки қайта-қайта янги салб юриши эълон қилиш ва буни амалга ошириш керак».

Шуни қайд этиш лозимки, ана шундай нохуш ҳодисалар орбитасида республиканинг пахта тозалаш саноати ҳам бўлиб, давлат маблағларини талон-торож қилишнинг бутун бир системаси борлиги очиб ташланди. Бундай нуқсонларнинг авж олишига эскирган ва ҳозирги замон талабларига мутлақо зид бўлган бошқарув услубининг ҳукм суриб келганлиги асосий сабаб бўлди.

Бу ўринда шуни эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисодчи олимлари бундан 25 йил муқаддам пахтакор хўжаликларнинг пахта тозалаш саноати билан мавжуд иқтисодий муносабатлари тайёрлов ташкилотлари орқали ана шундай хавфли нохуш ҳол юз беришига олиб келиши мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб, тегишли хулоса чиқарган эдилар. Улар пахта тайёрлаш, сақлаш, қуритиш-тозалаш функциясини бевосита пахтакор хўжаликларнинг ўзига топшириш, пахтани қайта ишлашни эса аввалгидек пахта тозалаш саноатига қолдиришни асослаб бергандилар. Шундай қилинганда хўжаликларнинг юқори сифатли маҳсулот етиштириш, ўз иқтисодий қувватларини ошириш учун масъулияти ошган, айни пайтда эса юқорида айтилган нохуш ҳоллар мутлақо хотима берилган бўлур эди.

Лекин ўша вақтларда тармоқчилик ва идорачилик тўсиқлари устун келди. Эндиликда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аралашуви ва қўллаб-қувватлаши туфайли олимларнинг бу хусусдаги фикрлари XXI съездида муносиб қадрланди, ҳаётга йўлланма олди.

Шунга қарамай бу масалани ҳал қилишни тезлатиш жуда суст бормоқда. Уни «муҳокама қилиш», «тушунтириш», кўриб чиқиш учун у ташкилотдан бу ташкилотга ҳавола қилгунча қимматли вақт ўтказиб юборилди. Ваҳолонки, СССР Давлат агросаноат комитети, СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банки бу таклифни амалда синаб кўришни маъқуллаган эдилар.

Етилган масалаларни ҳал қилишни чўзаверишга тубдан қайта қуриш жараёнида сусайтириш, салбий ҳолатларни авж олдириш деб қаралиши керак. Шундай шароитда баъзи хўжаликлар «юқоридан» кўрсатма кутиб ўтирмай масалани кечиктирмай ҳал қилдилар. Улар пахта қуритиш-тозалаш цехи қуриб, катта ютуқларга эришдилар. Бундай цех Тошкент областининг Ким Пен Хва номли колхозида қурилди ва ўтган йили 160 минг сўм иқтисодий фойда олинди, унинг қурилишига сарфланган капитал маблағ тўла қопланди, 150 колхозчи қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишларга ўтказилди. Агар тайёрлов органлари билан бўлган муносабатлар шу колхоз сингари ташкил этиладиган бўлса, республика бўйича бир мавсумда 200 миллион сўмга яқин иқтисодий самара олиш мумкин бўларди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бошқарув формаларини, толанинг чиқиши бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар системасини такомиллаштириш юзасидан сўнгги йилларда кўрган кескин чора-тадбирлари хўжаликлар ва пахтачиликнинг ҳамма томонларига ижобий таъсир кўрсатди. Лекин бунда ҳам бир қанча зиддиятлар пайдо бўлди:

биринчидан, хўжаликлар топширилган бутун пахтани қайта ишлаш тугагунга қадар камида кейинги йилнинг биринчи ярмигача тайёрлов органларига бутунлай қарам бўлиб қолдилар. Бу эса хўжаликларнинг шу йилдаги фаолияти пировард иқтисодий натижаларининг мавҳумлиги оқибатида раҳбарликнинг ташаббускор иқтисодий методларини қадрсизлантиради.

Иккинчидан, кўзда тутилмаган янги харажатлар пайдо бўлади. Бу харажатлар эса пахтанинг тўланмай қолган суммаси эвазига олинган кредит учун тўланган процент ва толанинг «кам чиққанлиги» сабабли ушлаб қолинган пулдан иборатдир. Булар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг тайёрлов системалари орқали иқтисодий муносабатларининг мавжуд формаси кўпгина маҳсулотлар, айниқса пахтачилик бўйича ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги босқичда территориал пропорцияларни такомиллаштириш ҳамда иттифоқдош республикалар ва регионлар экономикасини интенсив ривожлантириш мамлакат экономикаси олдида турган муҳим вазифа бўлиб, янги регионал сиёсат олиб боришни тақозо этади. Шунга кўра ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини янада яхшилаш ва мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексида экономика самарадорлигини ошириш перспектив планларида ҳар бир регионни самарали ривожлантиришга қаратилган ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни такомиллаштириш ўзининг ёрқин ифодасини топади. Шунга асосан ўн иккинчи беш йиллик планларида иттифоқдош республикаларда экономикани ўстиришнинг юксак суръатлари белгиланган.

Республикада яқин 15 йил ичида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш ишлаб чиқариш структураси ва уни ташкил этишда прогрессив силжишларни амалга ошириш, меҳнат, технология ва давлат интизомини мустаҳкамлаш негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаш да тубдан бурилиш ясашга эришилади.

Ҳозирги пайтда республика миллий даромадининг салкам ярми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланмоқда. Ваҳолонки, бу кўрсаткич мамлакат бўйича 90 процентни ташкил этади, баъзи тармоқлар, чунончи, қурилиш ва транспорт бўйича маҳсулотнинг бутун ўсиши жонли меҳнат самарадорлигининг ўсишига боғлиқ бўлиб келмоқда.

Республика халқ хўжалигини ривожлантириш планларида шу давр ичида моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми ва структурасини янада такомиллаштириш, истеъмол товарлари бўйича рационал нормаларга эришиш, аҳоли тўлов қобилиятини кўтариш ва пулли хизматлар даражасини ошириш — халқ фаровонлигини янада кўтариш мўлжалланмоқда.

Кейинги йилларда республикамизда меҳнат ресурсларидан мукаммал фойдаланиш билан боғлиқ социал-иқтисодий зиддиятларни бартараф этиш мақсадида кўпгина тадбир ва чоралар ишга солинмоқда. Шу жиҳатдан кенг ривожланиб бораётган ва қишлоқ жойларида жойлаштирилаётган йирик саноат корхоналарининг филиаллари фаолияти эътиборга лойиқ. Булар орасида Хоразм область Боғот район тўқув филиали ҳам бор.

Лекин республикамиздаги ҳамма филиалларнинг ишини, шундай деб бўлмайди. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси паст бўлганлиги оқибатида маҳсулот сифати истеъмолчилар талабини қондирмаётир. Бунинг асосий сабаби филиалларнинг ишини планлаштиришдаги ва хўжалик механизмидаги, бошқаришдаги айрим нуқсонлардадир.

Масалан, Жарқўрғон филиалларига Бухоро ип-газлама комбинати 500 километр масофадан раҳбарлик қилади. Боғот ва Хазорасп филиаллари Урганч пиллакашлик фабрикасининг таркибига киради. Кўриниб турибдики, бу филиалларни бошқаришда на тармоқ ва на территориал принципларга риоя қилинаётир.

Бундай зиддиятларга хотима бериш учун ҳар бир область миқёсида мавжуд бўлган барча саноат корхоналарига раҳбарликни такомиллаштирувчи область саноат бирлашмаларини ташкил этиш лозим. Айни вақтда ҳамма филиалларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш мутлақо зарур. Бу эса ҳозирги замон талабидир.

Шундай қилингандагина қишлоқ жойларда ўзини оқлайдиган филиалларни кўплаб ташкил қилиш мумкин бўлади. Интенсив ривожланиш пайтида бу мақсадлар учун бор имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, республикамизнинг деярли ҳамма пахтакор районларида пахта тозалаш заводлари мавжуд, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан атиги 50—60 процент фойдаланилмоқда, холос. Демак, келажакда филиалларни пахта заводлари территориясига жойлаштириш ҳозирги жадаллаштириш программасининг таркибий қисми бўлур эди. Бу программани ҳам арзон, ҳам тезлик билан амалга ошириш мумкин, чунки пахта заводларида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳамма шароитлар мавжуд. Бундай филиалларни пахта заводлари билан бирлашма усулида ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда объектив ва субъектив сабабларга кўра, республикада меҳнат қобилиятига яроқли бир миллионга яқин киши, айниқса қишлоқ жойларидаги кўп болали аёллар ижтимоий меҳнатга қатнаша олмаяптилар. Уларни иш билан таъминлашни шаҳардагидек қаноатлантирлик асосида ҳал этиш пайти келди. Худди шунингдек, қишлоқ шароитида хўжаликлар билан шартномага мувофиқ олинган мажбуриятларни уй шароитида бажарганларни ҳам ишловчилар ҳисобига киритиш керак.

Юқорида айтилган тадбирларнинг аҳамияти муҳим, чунки ишлаб чиқаришга жалб қилинадиган ҳар бир янги иш жойи жуда қимматга тушмоқда, яъни саноатда 25-30 минг сўмни ташкил этади. Бу масалани ҳал этиш республикамиз учун алоҳида эътиборга молик, чунки асримизнинг охирига бориб республика аҳолиси 28 миллиондан ошиб кетиб, яна қўшимча 4 миллиондан кўп ишчи кучи вужудга келади. Шунча ишчи кучини иш билан банд қилишга 100 миллиард сўмликдан кўпроқ капитал қурилишни амалга ошириш зарур бўлур эди. Бинобарин, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг асосий йўли юқорида қайд қилинган ва бошқа ички резервларни ишга солишдан иборатдир. Бу вазифаларни ҳал этишда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори биринчи даражали роль ўйнайди.

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда бошқарув ва хўжалик механизмини такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди. Иттифоқдош республикаларнинг социал-иқтисодий ривожланишида планлаштиришнинг роли ошиб бораётганлиги уни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Унинг асосий йўналиши республика иқтисодий қувватини тўлароқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқаришдадир. Лекин бу борада анча камчиликлар мавжуд. Масалан, мамлакат миқёсида ҳосил этилаётган миллий даромаднинг ярми саноат ҳиссасига тўғри келса, бу кўрсаткич республикамизда атиги 35 процентни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида эса, республикамиз ҳиссаси бутун мамлакат қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинган миллий даромаддан қарийб икки баравар кўпдир. Бунинг натижасида ва бошқа сабабларга кўра республикамизда ҳосил қилинаётган миллий даромад жон бошига йилига атиги 1236 сўмданга тўғри келиб, Иттифоқ даражасининг 60 процентини ташкил қилади, холос. Бинобарин, республикамизда киши бошига ҳосил қилинадиган миллий даромадни Иттифоқ даражасига кўтариш планлаштириш олдида турган жуда муҳим стратегик вазифадир. Ҳозирги мавжуд ресурслар ва имкониятлар базасида экономиканинг асосий тармоқлари бўлмиш саноат ва қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачиликнинг оптимал структурасини илмий асосда ишлаб чиқиб, унинг келажакда республикамиз ҳаётида содир бўладиган муҳим социал иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ва унинг мамлакатимиз ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини янада оширишга мослаштириш зарур. Шунга мувофиқ тузилган перспектив планларда бошқа иттифоқдош республикалар билан биргаликда ер-сув ресурсларини ўзлаштириш, ёнилғи, энергетика ресурсларидан фойдаланиш, Орол денгизи зонаси саҳросига айланишининг олдини олиш, йирик комплекс халқ хўжалиги проблемаларини амалга оширишдан иборат биргаликда ҳал қилинадиган тадбирлар назарда тутилган. Буларнинг ҳаммаси эса барча қардош республикалар, жумладан, Ўзбекистон халқларининг умумиттифоқ фондига қўшадиган ҳиссасини оширади.

Етилган ана шу ҳаётий масалаларни муваффақиятли амалга ошириш учун КПСС XXVII съезди жамиятшунос, айниқса иқтисодчи олимлар олдига аниқ назарий ечимлар ва конкрет амалий тадбирларни амалга оширишдан иборат катта талаблар қўйди. Бинобарин, иқтисодчи олимлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумидаги ҳақли танқидлардан қатъий хулоса чиқариб, мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексида республиканинг иқтисодий потенциалини оширишнинг актуал регионал социал-иқтисодий масалаларини таҳлил этишни кучайтирмоқлари лозим.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

• *Газетхонлар илтимосига кўра*

ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Редакция газетхонлардан 1987 йил учун обуна бўлиш ҳақида хат-хабарлар ва илтимосномалар олмоқда. Улар «Совет Ўзбекистони»га ва бошқа нашрларга ўз вақтида обуна бўлолмаганликлари ҳақида ёзишиб, қўшимча обунани қачон, қаерда ва қай тарзда амалга ошириш мумкинлигини сўрашади. Масалан, хоразмлик газетхон И. Қўчқоров билан С. Хўжамуротовлар узоқ муддатли командировкада бўлганликлари туфайли янги йил учун бирорта ҳам матбуот органига ёзила олмаганлари, «Союзпечать» киоскаларидан истаган нашрларни ҳамма вақт ҳам тополмаётганликлари ҳақида маълум қилишади.

Мухбиримизга кўпчилик газетхонларни қизиқтирган ана шу саволлар юзасидан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги «Союзпечать» бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Р. И. Ютландова шундай деди:

—Марказий, чет эл ва маҳаллий газета-журналларга, шунингдек, бошқа айрим нашрларга ўтган 1986 йилнинг 1 ноябригача обуна расмийлаштирган газетхонлар уларни янги йилнинг 1 январидан ола бошладилар.

Турли сабабларга кўра, шу муддат ичида обуна бўлолмаган гражданлар буни навбатдаги ойлардан амалга оширишлари мумкин.

Бунинг учун обуна муддатини билиш лозим бўлади. Марказий газеталарга ҳар ойнинг 12 кунигача, республикада чиқадиган газеталарга, жумладан «Совет Ўзбекистони»га ҳар ойнинг 20 кунигача, марказий ва республика журналларига эса ҳар ойнинг биринчи кунидан ёзилиш мумкин.

Баъзи бир лимитли нашрларни ҳисобга олмаганда марказий, республика газета-журналларига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Алоқа бўлинмаларида, «Союзпечать» агентликларида ва обуна қабул қилиш пунктларида хоҳлаган нашрларга, истаган муддатга ва чекланмаган миқдорда обуна бўлиш мумкин.

• *Олий ўқув юрти ва техникум: қайта қуриш йўлида*

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ — ЕТУКЛИК ОМИЛИ

Жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожланишни жадаллаштириш, сифат жиҳатидан янгиланиш даврини бошидан кечираётир. Ана шу тарихий босқич олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдига янги, юксак вазифаларни қўймоқда.

В. И. Ленин номидаги Хоразм давлат педагогика институти умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари учун педагог кадрлар тайёрлаш ўчоғидир. Институт асосан Хоразм, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР ва қардош Туркманистон ССРнинг Тошовуз области мактабларига ўндан ортиқ мутахассислик бўйича юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаб бермоқда.

КПСС XXVII съездида ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида рус тилининг халқлар ўртасида интернационал дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашдаги беқиёс ролига, уни ўрганиш масалаларига катта аҳамият берилди. Институт филология факультетининг рус тили ва адабиёти бўлими олдига қўйилган талаб янада ошганлигининг боиси шунда. Юқори малакали, ҳар томонлама етук мутахассисларга — рус тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж олий таълимнинг бу долзарб жабҳасини қайта қуриш, ўқиш-ўқитиш ишларини тинмай такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўқув машғулотларининг ғоявий-тарбиявий ролини ошириш мақсадда В. И. Ленин ва унинг сафдошлари асарларидан, партия съездлари материалларидан, газета ва журналлардаги мақолалардан кенг фойдаланилади. Рус тилини ўрганишда институт ички телевидение синнинг «Поиск» («Изланиш») кўрсатувлари, тематик кечалар, китобхонлар конференциялари, тўгараклар таъсирчан роль ўйнаяпти. Студентларда илмий изланишга иштиёқ биринчи курсданоқ уйғотилади, улар рус тилида тақризлар, тезислар, библиографиялар ёзишни ўрганадилар.

Тажрибалар, ютуқлар тўғрисида гапириш билан бирга рус тили таълимини такомиллаштириш йўлидаги ишлар давр талаблари даражасига кўтарилмаганлигини ҳам рўй-рост эътироф қилиш лозим.

Аввало, шуни айтиш жоизки, рус тили ва адабиёти бўлими кафедраларида профессор-ўқитувчи кадрлар етишмаяпти. Масалан, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасида атиги битта фан кандидати бор. Кафедра ўқитувчиларининг аксарияти пенсия ёшига етган ёки яқин қолган кишилардан иборат. Ўз билимини бойитишга бефарқ қараётган, илмий фаолиятбобида ҳафсаласизлик, ижодий пассивлик кўрсатаётган ўқитувчилар йўқ эмас. Уларнинг фан даргоҳида самарали иш беришига умид боғлаш қийин. Очиғини айтганда, бу ерда ёш мутахассисларни тарбиялаб вояга етказишда ғамхўрлик ва изчиллик етишмаяпти.

Яна бир факт кишини ажжубга солади: рус тили ва адабиёти бўлимининг учта кафедрасида битта ҳам фан доктори ва профессор йўқ. Рус тилидан етук илмий кадрлар тайёрлашдек муҳим ишга ректорат ва филология факультети деканати токайгача лоқайдлик билан қарайди? Турғунлик, ижодий пассивликнинг сабаби равшан: илмий фаолиятни йўналтиришга ва қўллаб-қувватлашга етарли эътибор берилмаётир.

Кўпгина ўқитувчиларда дарс соатлари белгиланганидан ортиқча бўлиб, улар илмий савияни ошириш устида ишлашга вақт етишмаслигидан нолиб юрадилар. Илмий иш учун ижодий кун, вақт омили талаб этилиши ҳисобга олинмаётир. Студентлар билан яккама-якка ишлаш, таълим жараёнида техника воситаларидан ва кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланиш борасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Ўқув-лаборатория корпуси қурилиши тезроқ ниҳоясига етказилса, машғулотларни нормал ўтказиш учун шароит яратилган бўларди.

Рус тилини ўқитиш савиясини бугунги талаблар даражасига кўтаришда мамлакатимиз бошқа олий ўқув юртларининг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда Москва, Каменец-Подольск, Винница педагогика институтлари билан анъанавий алоқа мустаҳкамланаётир. Аммо илғор тажрибаларни, ибратли методларни жорий қилишда сабот ва қатъият етишмаяпти. Гап — янгиликни қўриш ва ўрганишдагина эмас, балки уни ҳаётга дадилроқ татбиқ этишдадир.

Кези келганда, ўрта мактабни ёки ҳунар-техника билим юртини тамомлаб чиқаётган ёшларнинг рус тилини пухта эгаллаб олмаётганликларига эътиборни жалб қилиш лозим. Айрим ёш мутахассислар, ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар рус тилида равон гапира олмай қийналишади. Олий ва ўрта махсус ўқув юртига кирмоқчи бўлган абитуриентлар ёзма ишда имловий хатоларга йўл қўйишади. Бизнингча, бунинг сабаби рус тилини ўқитишдаги нуқсонларга, шу фан ўқитувчисининг илмий савияси ва профессионал маҳоратига бориб тақалади. Демак, педагогика институти мактабларга чуқур билимли, юқори малакали ўқитувчилар, ёшларга рус тилини она тилидек ўргата оладиган мутахассислар тайёрлаб бериши лозим.

Институт ректорати ва партия ташкилоти филология факультетининг рус тили ва адабиёти бўлимини илмий кадрлар билан мустаҳкамлашга, уларнинг ижодий активлиги ва масъулиятини оширишга жиддий, принципиал ёндашмаётганлиги, партиявий таъсир, ғоявий-тарбиявий ишлар бўшаштириб юборилганлиги ташвишли ҳолдир. Учта кафедрада тўрт киши коммунист, холос. 9 ўқитувчи, жумладан беш фан кандидати ишлаётган рус тилшунослиги кафедрасида битта ҳам партия аъзоси йўқлигини қандай баҳолаш мумкин? Кадрларни тарбиялаш ва камол топтиришда партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг ролини ошириш, профессор-ўқитувчилар коллективи ўртасида ижодий активлик муҳитини вужудга келтириш керак.

Ф. ЗОҲИДОВ.

Наманган области. Совет районида қандолатчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи махсус павильон очилди. Бу ерда Поп район матлубот жамияти қандолатчилик цехида тайёрланаётган маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда. 70 хилдан ортиқ пишириқ ва ширинликлар, торт ва пирожнийларга талаб ортиб бормоқда.

Суратда: ишлаб чиқариш мудири, «Хурмат Белгиси» ордени нишондори Олимжон Иброҳимов.

А. Ковтун фотоси (ЎзТАГ).

• *Футбол: янги мавсум ташвишлари*

УМИД ВА ИШОНЧ

Янги мавсум ташвишлари бошланмоқда. Футбол командалари қисқа танаффусдан кейин яна майдонга тушиб, машқларни бошлаб юборишдилар. Олий лига вакиллари эса халқаро турнир ва ўртоқлик учрашувларида иштирок этмоқдалар. СССР футбол федерацияси эса хушхабар тарқатди. Олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати 9 март куни старт олади. Шу куни ЦСКА—«Динамо» (Мн), «Ґурия»—«Динамо» (К) ҳамда «Нефтчи» — «Торпедо» (М) командалари ўртасида дастлабки учрашувлар бўлади. Биринчи давра ўйинлари 22 июнда тугайди. 10 июлдан иккинчи давра ўйинлари бошланади. Мавсум эса 15 ноябрда якунланади.

Чемпионат бошлангунга қадар бир қатор коллективлар сафарда бўладилар. Чунончи, яқин орада пойтахт динамочилари АҚШга йўл олишса, Минск динамочилари февраль бошида Янги Зеландия учрашувларида қатнашадилар. «Зенит» февраль ойи охирида Уругвай ҳамда Аргентинага, Тбилиси динамочилари ой бошида Португалияга йўл оладилар. Москва спартакчилари Аргентина ва Перуда учрашувлар ўтказадилар. Умуман янги мавсум қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Командаларнинг эндиги ғайрат-шижоатига ўтган мавсум сабоқлари омил бўлиши табиий. Шу боис совет футболининг футбол оламидаги нуфузи ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, умуман, минглаб мухлисларнинг эътироф этишича, ўтган мавсум совет футболи учун омадли бўлди. Бу, аввало, СССР терма командасининг Мексика чемпионатида кўрсатган мароқли ўйинлари, қолаверса, Европа чемпионати саралаш учрашувида Исландия футболчилари билан дуранг ўйнаб, Франция ва Норвегия командаларидан устун келиши билан қўпроқ боғлиқдир. Умуман совет футболчилари халқаро майдонда бунчалик обрў топишмаган, десак муболаға бўлмас. Бу фикрни халқаро футбол федерациясининг раиси Жоао Авеланж Москвада бўлган кезлари СССР футбол федерацияси ходимлари ва спорт журналистлари билан учрашувларда бир неча бор таъкидлаган эди. Унинг айтишига қараганда, ҳозирги бош командамиз жаҳон чемпионатларида иштирок этган барча совет командаларидан фарқ қилар экан.

Зеро, чиройли ва мароқли ўйинлар кўрсатишда нафақат терма командамиз, балки Европа турнирларида муваффақиятли иштирок этаётган Киевнинг «Динамо» (чемпионлар кубоги), Москванинг «Торпедо» (кубок эгалари кубоги) ҳамда пойтахтнинг «Спартак» (УЕФА кубоги) коллективлари ҳам мухлисларни мамнун этдилар.

Айниқса, Киев динамочилари ҳамда уларнинг устози Валерий Лобановский ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Зотан, команда икки йил аввал эндигина ўзларини кўрсата бошлаган ёш футболчилардан таркиб топган бўлишига қарамай, Лобановский улар ўртасида ташкилотчилик, ўзаро ҳамкорлик, ташаббускорлик, муҳими, соғлом муҳитни юзага келтира билди. Устознинг меҳнатлари зое кетмади. Динамочилар техник ва атлетик жиҳатдан тўп суришда, кези келганда устомонликни ўрнига қўйишда мантиқан табиийликка эришмоқдалар.

Улар мавсумни комил ишонч билан ўтказишди. Баҳорда Европа кубоги эгалари кубогини қўлга киритиб, ёзда мамлакат терма командаси асосини ташкил этган ҳолда Мексика чемпионатида тўп суришди, кейин Испания ва Нидерландияда ўтказилган мини-турнирда ғалаба қозониб кузда Европа чемпионлари кубоги учун курашиб, чорак финалига чиқишди ҳамда учрашувларни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Мавсум охирида ўзига хос ҳал қилувчи баҳсларда муваффақият қозониб, ўн иккинчи марта мамлакат чемпионлари бўлишди.

Ҳозир СССРда ана шундай руҳда ўйин кўрсата оладиган барқарор команда йўқ дейиш мумкин. Буни кўпчилик эътироф этмоқда. Албатта, бу бошқа футбол клубларимиз ҳеч қандай эътиборга лойиқ эмас экан-да, деган фикрни билдирмайди. Мамлакат чемпионатининг бориши шуни кўрсатадики, пешқадамлар сафида бўлиш, совринли ўринларга даъвогарлик қилиш қийин кечди. Жумладан, киевлик динамочиларга пойтахт спартакчилари билан динамочилари рақобат қилишган бўлса, СССР кубоги учун курашда Москва торпедочиларига ҳеч ким бас келолмади. Шунингдек, спартакчилар билан торпедочиларнинг мавқеини уларнинг Европа майдонларида эришган натижаларига қараб баҳоласа бўлади. Ҳар иккала команда ажойиб маҳорат кўрсатди. «Спартак» Европа мухлислари даврасида танилган командалардан ҳисобланади. Торпедочилар эса кубок эгалари кубоги учун курашнинг нимчорак финалида ГФРнинг «Штугарт» клубидан (ўз майдонида — 2:0, сафарда —5:3) устун келиб, эътибор қозонди.

Пойтахт динамочилари ҳақида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин. 1982 йили минсклик динамочиларнинг чемпионликни эгаллашларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, кейинчалик СССР терма командасида фаолият кўрсатган Эдуард Малофеев ўтган мавсум ўрталарида мазкур командага устозлик қила бошлади. Унинг раҳбарлигида динамочилар дадил қадам ташладилар. Бурноғи йили чемпионатни ўн тўртинчи ўринни олиш билан якунлашган бўлса, ўтган мавсумда кумуш медаль совриндори бўлишди. Мутахассислар Эдуард Малофеевнинг шогирдларига катта умид боғлашмоқда.

Муваффақиятлар қатори ўтган мавсумда баъзи нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Бу кўпроқ мусобақаларни ташкил этишда, ўйинлар календарида узлуксизликни таъминлашда ва, ниҳоят, резервлар тарбиялашда кўпроқ кўринди. Албатта, булар доимий муаммолардан бўлса-да, ҳамиша ечимини кутаётганлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, тажриба тариқасида «Федерация кубоги» учун илк марта ўтказилган турнир ҳам кўпчиликни ўйлантирмоқда. Хулоса қилиб айтганда, минглаб мухлислар мавсумни интизорлик билан кутмоқдалар. Вазифа —мароқли, мазмунли ва ҳужумкор ўйинлар кўрсатиб, совет футболининг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишдан иборат.

А. ПАРАМОНОВ,
СССР Футбол федерацияси масъул секретари. (АПН).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

Диққат, янгилик!

МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА ЯНГИ ХИЛ НОНЛАР

Биз ҳар куни нонни қўлимизга оламиз. Эртамиз ҳам, кечамиз ҳам, тушлигимиз ҳам, шодиёнамиз ҳам нонсиз ўтмайди. Меҳнаткашлар учун турли хил нонлар тайёрлаб чиқарилмоқда.

ЯНГИ ЙИЛДАН БОШЛАБ РЕСПУБЛИКАМИЗДА СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНГАН ЯНГИ ХИЛ НОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

«ДАРНИЦКИЙ» нони— эланган жавдари ва 1 навли буғдой унидан тайёрланади. У ҳар хил вазнда ёпилади. Қолипда ёпилган нонинг вазни 900 грамм бўлиб, баҳоси 20 тийиндир. Печ тубида пиширилган нон 22 тийин.

«РОССИЙСК» нони — эланган жавдари ва 1 навли буғдой унидан ёпилади. Унинг хушхўрлигини ошириш мақсадида қиём қўшилган.

Қолипда тайёрланган нон; вазни 850 грамм, баҳоси 20 тийин, печ тубида пиширилган нон 22 тийин.

«СТОЛИЧНИЙ» нони. Жавдари ва эланган 1 навли буғдой унидан ёпилади.

Қолипда тайёрланган нон, вазни 850 грамм — баҳоси 20 тийин, печ тубида пиширилган нон, вазни 850 грамм —баҳоси 22 тийин.

ОҚ НОН. Олий навли буғдой унига хамиртуруш қўпроқ солиниб ёпилади:

Қолипда тайёрланган нон, вазни 700 грамм, баҳоси 34 тийин, 500 граммлик нон — 24 тийин, ясама нон, вазни 800 грамм — 40 тийин. 500 граммлик нон — 26 тийин.

ОҚ НОН. Биринчи навли буғдой унига хамиртуруш кўпроқ солиб ёпилади.

Қолипда тайёрланган нон, вазни 750 грамм, 24 тийин, печ тубида пиширилган нон, вазни 800 грамм— 28 тийин.

ОҚ НОН. Иккинчи нав буғдой унидан хамиртуруш кўпроқ солиб тайёрланган.

Қолипда тайёрланган нон: вазни 850 грамм — баҳоси 20 тийин, печ тубида пиширилган нон, вазни 850 грамм, баҳоси — 22 тийин.

Нонларнинг тўйимлилигини ошириш ва уларнинг юмшоқ сақланиш муддатини узайтириш мақсадида янги хил нонларнинг намлик миқдори камайтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ МИНИСТРЛИГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 19-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўзбекистон ССР Сабзавот, полизчилик ва картошка илмий-текшириш институти базасида жойлашган филиали

янги ўқув йили учун

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САБЗАВОТЧИЛИК ВА БОҒДОРЧИЛИК УСТАЛАРИ (ўқиш муддати 1 йил). Ўқувчилар стипендия, ётоқхона ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

директор номига ариза, таржимаи ҳоли, ўрта маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка (086/У форма), 4 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, колхоз ва совхозлар йўлланма билан келганлар ўз жойларига ишга юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР 20 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти филиалининг адреси: Тошкент области, Тошкент райони, «Ўзбекистон ССР Сабзавот, полизчилик ва картошка илмий-текшириш институти» бекати. («Келес» автостанциясидан 290-автобусга чиқиб сўнгги бекатигача борилади).

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОЮЗУЧЁТИЗДАТ» БУТУНИТТИФОҚ ДАВЛАТ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ **полиграфия ускуналарининг эҳтиёт қисмларини, шунингдек полиграфия мебелини**

пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ўзгариш кўчаси (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси; 27-автобуснинг «Чақар» бекати). Телефонлар: 42-34-89, 42-34-87.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Арлекино» циркининг хайрлашув гастроллари (16/I да 19.30 да, 17/I да 16, 19.00 да).

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи

Қаюм Саидмуҳамедович ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти коллективи кафедра мудири Г. Ш. Муҳиддиновага онаси

Жамила Ғафуровна МУҲИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Суд залидан

ҚЎШИБ ЁЗИШЛАР ОҚИБАТИ

«Ўз» одамларининг ҳаммаси судланувчилар курсисида ўтирибди. Улар бойлик орттиришни кўзлаб, социализмнинг ҳар кимга меҳнатига яраша, деган асосий принципини бузганлар. Туркманистоннинг Иляли районида пахта топширишда сохта рекордлар кетидан қувиб, қўшиб ёзиш билан шуғулланиш тарихи жиноий ишнинг ўнлаб томларига жо бўлди.

Бу ишда район партия комитетининг биринчи секретари С. Холов айниқса машъум роль ўйнади. У бундан икки йил муқаддам планни бажариш учун кураш, деган баҳона билан жиноий группа тузди. Пахта тозалаш заводининг директори А. Ёғмуров ҳамда корхонанинг бир қанча мансабдор кишилари, баъзи колхозларнинг раислари бу группага кирдилар. Корчалонлар Тошовуз области-нинг собиқ раҳбарлари паноҳида найрангларнинг яширин конвейерини «айланириб», порахўрликни, ҳужжатларни сохталаштиришни авж олдирдилар. Уларнинг ўртасидаги муносабат «қўл қўлни ювади» принципига асосланган эди. Завод ишчиси К. Омонгелдиев эса мўмай пулларни ҳисобга олиб бориш учун эринмасдан шахсий дафтар ҳам тутди. Дафтарнинг 58 вараги рақамлар билан тўлиб кетди.

Найранг «Красний Октябрь» ва «Правда» колхозларининг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини ўпқон каби домига тортаверди. Ғўза майдонларини ҳисобга олиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан ҳамда назоратнинг суслигидан фойдаланиб, ўғрилар кўпгина оддий меҳнатчиларни ёнларига тортдилар. Молиявий ведомостларда дала юзини кўрмаган одамларнинг фамилиялари пайдо бўлди.

Жиноят фош этилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олдилар. С. Холов 15 йил умрини кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш — меҳнат колониясида ўтказади, унинг дастёрлари ҳам турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Иш ниҳоясига етди. Лекин район коммунистлари, бутун аҳолиси юз берган бу аҳволни қайта идроклаб, ундан тегишли сабоқ чиқариб олишлари керак.

Т. БУЧАРСКАЯ,
ТАСС мухбири.
Иляли,
Туркманистон ССР.

Тингланг, томоша қилинг

16 январь, жума

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 8.00 — Эрталабки зарядка. 8.10 — Мультфильм. 8.20 — Халқ оҳанглари. 8.30— Время. 9.15 — Ассалом, музика. 9.45 — А. С. Пушкин театри. 11.15 — Ҳужжатли фильм. 11.35 — Дунё воқеалари. 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Рус тили. 17.15 — С. Михалков қаҳрамонлари экранда. 18.40 — Рус музейи. 19.10 — Фан ва турмуш. 19.55 — Янгиликлар. 20.05 — «Судья Ивановнанинг шахсий иши». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — 12-қават. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Концерт.

МТ-II. 9.15 — Гимнастика. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — Табиатшунослик. 11.35 — География. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 12.35 — «Қайтиш нуқтаси». Бадиий фильм. 14.45 — Ўқитувчи экрани. 15.05 — Умумий биология. 16.05 — Янгиликлар. 16.10 — В. В. Вересаев асарлари саҳифаларида. 18.15 — Янгиликлар. 18.30 — Қишлоқ янгиликлари. 19.30 — Саёҳатчидар клуби. 20.40 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Бизнинг уй. 21.15 — Реклама. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.05 — Ритмик гимнастика. 7.30 — Комсомол съезди олдидан. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Музикали дақиқалар. 16.35 — Зоология. 17.05— Болалар учун фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Биология. 18.15 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ўсмир ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Экономикани бошқариш янги талаблар даражасида бўлсин. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мақомчилар I республика конкурси лауреатларининг чиқиши. 21.30 — Время. 22.05 — Телетомошабин сўрайди, маслаҳат беради, танқид қилади...

ЎзТВ-II 19.30 — «Ёттидан ўн иккигача». Бадиий фильм. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00— Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги олдидан. 21.30 — Время. 22.05 — Душанба кўрсатади.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Меҳнат шарофати. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Успенский номли махсус музика мактаби скрипкачилар ансамблининг концерти. 12.10 — «Мелиоратор». 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ж. Дассен ижро этган қўшиқлар. 14.00 —Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун эшиттириш. 15.40 —«Юлдузча». 16.00 Дўстларимиз овози. 18.15 — Танбур тароналари. 18.30 — Инсон ва қонун 19.20 — «Огонёк». 19.40 —Концерт. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 —Улуғ йўл солномаси. 23.25 —Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08511. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 13. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12